

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов,
Ж.И.Исроилев, Б.И.Исроилев

Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили

ТОШКЕНТ - 2009

М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов
Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма.
Тошкент, Солук Академияси, 2009. – 76 бет.

Тақризчилар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор З.Т.Маматов

Доцентлар У.Х.Худайбердиев, Н.И.Ибрагимов

Ўқув қўлланмада фирма ва компанияларда молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва уларнинг таркибида бухгалтерия балансининг ўрни ва аҳамияти, бухгалтерия балансининг турлари ва унга қўйилган асосий талаблар, уни таҳлилга тайёрлаш ва аниқлигини текшириш, бухгалтерия балансини иқтисодий ўқиш ва молиявий таҳлилга тайёрлаш, моддаларининг бир-бири билан боғлиқлигини ўрганиш тартиби, бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш тартиби, молиявий ҳисоботни ўқиш ва дастлабки таҳлил орқали корxonанинг молиявий аҳволига баҳо беришни такомиллаштириш, молиявий ҳисоботларни молиявий коэффициентлар орқали таҳлил қилиш усуллари «Турон» кўптормоқчи хусусий корxonаси мисолида ликвидлик, тўлов қобилияти, кредитни тўлашга лаёқатлилиги, уларнинг мазмуни, баҳоланш ва таҳлил қилиш йўллари қараб чиқилган.


Бундан талабалар, магистрлар, аспирантлар, малака ошириш маркази тинловчилари, профессор-ўқитувчилар ва бошқа молиявий таҳлил муаммоларига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Академия ўқув-услубий кенгашининг 2008 йил 31 май №9/8/2 -сон
мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия қилинди.

© Муаллифлар жамоаси, 2009.

Р Е Ж А

К и р и ш	4
I-Боб. Фирма ва компанияларда молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва уларнинг таркибида бухгалтерия балансининг ўрни ва аҳамияти	6
1.1. Фирма ва компанияларда молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар	6
1.2. Фирма ва компанияларда молиявий ҳисоботлар таркиби ва уларнинг таснифи	10
1.3. Фирма ва компаниялар бухгалтерия балансининг турлари ва унга қўйилган асосий талаблар	13
1.4. Бухгалтерия балансни таҳлилга тайёрлаш ва унинг аниқлигини текшириш	17
2-Боб. Фирма ва компанияларда бухгалтерия балансини иктисодий ўқиш ва молиявий таҳлилга тайёрлаш	22
2.1. Бухгалтерия балансининг таркиби ва унинг молиявий таҳлил манбаи эканлиги	22
2.2. Молиявий таҳлилда бухгалтерия баланси моддаларининг бири-бири билан боғлиқлигини ўрганиш тартиби	27
2.3. Молиявий таҳлилда бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш тартиби.	31
3 - Боб. Фирма ва компанияларда молиявий ҳисоботни ўқиш ва дастлабки таҳлил орқали корхонанинг молиявий аҳволига баҳо бериш	33
3.1. Бухгалтери баланси ва молиявий ҳисоботларни иктисодий ўқишнинг объектив зарурлиги	33
3.2. Фирма ва компанияларнинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш	37
4 – Боб. Бухгалтерия ҳисоботларини молиявий коэффициентлар орқали таҳлил қилиш усуллари	41
4.1. Молиявий коэффициентлар тўғрисида умумий тушунча	41
4.2. Фирма ва компанияларнинг ликвидлик коэффициентлари ва уларнинг таҳлили.....	42
4.3. Фирма ва компанияларда иш фаоллиги коэффициентлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари	47
4.4. Молиявий барқарорлик коэффициентлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	52
4.5. Фирма ва компанияларнинг рентабеллик коэффициентлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари	55
5 - Боб. Фирма ва компанияларда молиявий таҳлилни ўзига ҳос хусусиятлари	60
5.1. Фирма ва компанияларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг ўзига ҳос жиҳатлари	60
5.2. Фирма ва компанияларнинг ликвидлиги, тўлов қобилияти, кредитни тўлашга лаёқатлилиги: мазмуни, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари	64
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар	



К и р и ш

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши, жамиятни модернизация қилиш жараёнининг жадаллашиши бозор муносабатларининг ҳам такомиллашиб боришини, иқтисодиётнинг тобора эркинлашиб боришини таъминламоқда. Ҳозирги пайтдаги иқтисодиёт икки томон муносабатини ва улар ўртасидаги ишончга қурилган иқтисодий жараёнлар мажмуасини ўз ичига олади. Иккита субъект бир-бири билан иқтисодий муносабат қилаётган бўлса, албатта, уларнинг иккаласида ҳам битта мақсад - манфаат ётади. Бу бозор иқтисодиётининг асосий мақсадларидан бири фойда кўриш истигадир. Бундай истикнинг амалга ошиши ҳамкорларнинг бир-бирига ишончи асосида шаклланади. Бунга сазовор бўлиш учун бозор муносабатларига ҳос тил - «Бизнес тили» мавжуд. Бу тилда гаплашилмаса ҳамкорни ишонтириш жуда қийин. Бизнес тили – бу ҳисоб-китоб ва таҳлилдир.

Бизнес тили бозор муносабатлари шароитида иккита субъект гаплашадиган тилдир. Бу тилнинг ифодаси, яъни асоси корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти ва унинг мажмуаси акс этган молиявий ҳисоботдир. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бўлажак ҳамкорининг энг аввало молиявий аҳволи қандайлигига қизиқади. Чунки унинг фойда олиш-олмаслиги у билан ҳамкор бўладиган субъектнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Шу туфайли ҳар бир корхонанинг молиявий ҳисоботлари орқали унинг молиявий аҳволини баҳолаш, таҳлил қилиш бозор шароитида муҳим аҳамиятга эга. Таҳлил бизнес тили сифатида ҳамма гапни очиқ ойдин айта олади.

Ҳар бир касбнинг ўзига ҳос тили, жарғони бор. Бухгалтерлар, иқтисодчилар, молиячилар ҳам ҳозирги бозор муносабатлари шароитида янги ибораларни, очиғини айтадиган бўлсак ўзига ҳос жарғонларни ишлатмоқда. Масалан, бир хўжалик юритувчи субъект иккинчиси билан икки ёқлама манфаатли иқтисодий муносабатлар ўрнатмоқчи бўлса у қуйидаги атамаларни ишлатиши мумкин. «Баланс ликвидлими?», «Молиявий барқарорми?», «Молиявий мустаҳкамми?», «Тўловга қодирми?», «Рақобатбардошми?», «Иқтисодий ночорми?» ва ҳ.к. Бу сўзларни асосан бухгалтерлар, аудиторлар, молиячилар, умуман, иқтисодий ишлар билан шуғулланувчи мутахассислар билади, ҳолос. Аммо бу сўзлар замирида жуда чуқур маъно, бутун бир молиявий - хўжалик фаолияти натижаси мужассамланган. Шу туфайли, ушбу сўзлар мазмунига ижобий жавоб бериш учун ҳозир ҳар бир мутахассис, менежер, раҳбар уларни баҳолаш, аниқлаш йўлларини билиши шарт. Бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бу тилни - жарғонни ўрганиш иқтисодиётнинг сиру-синоатларини билишни тақозо қилади. Шу туфайли «Турон» кўптормоқли хусусий корхонасида ҳам мутахассислар ушбу тил билан

гаплашишга ҳаракат қилади ва барча молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни шунга мос равишда тайёрлаб боради.

Ўқув қўлланмада:

- фирма ва компанияларда молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва уларнинг таркибида бухгалтерия балансининг ўрни ва аҳамияти;

- фирма ва компанияларда молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими шакллантирилди, молиявий ҳисоботлар таркиби ва уларнинг таснифлаш;

- фирма ва компаниялар бухгалтерия балансининг турлари ва унга қўйилган асосий талаблар ҳамда бухгалтерия балансини таҳлилга тайёрлаш ва унинг аниқлигини текшириш йўллари тадқиқ қилиш;

- фирма ва компанияларда бухгалтерия балансини иқтисодий ўқиш ва молиявий таҳлилга тайёрлаш, бухгалтерия баланси моддаларининг бир- бири билан боғлиқлигини ўрганиш тартиби;

- молиявий таҳлилда бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш тартиби;

- фирма ва компанияларда молиявий ҳисоботни ўқиш ва дастлабки таҳлил орқали корxonанинг молиявий аҳволига баҳо беришда молиявий коэффициентлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда ташкилот раҳбарларининг бизнес тилида гаплашиши учун зарур бўлган барча тегишли маълумотлар молиявий ҳисоботларда, буларни билиш ва ўқиш усуллари мазкур ишда ўз аксини топган. Бунга эришиш учун мавзулар бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ёритилган.

1-Боб. Фирма ва компанияларда молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ва уларнинг таркибида бухгалтерия балансининг ўрни ва аҳамияти.

1.1. Фирма ва компанияларда молиявий таҳлилнинг аҳамияти ва унда қўлланиладиган ахборотлар

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг маъмурий бошқарувдан эркин рақобат шароитига ўтиши кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг руҳиятини ўзгартириш, айниқса, раҳбарларнинг масъулиятини оширишни тақозо қилади. Улар бозор муносабатларининг ютуқлари билан, салбий томонларини ва инжиқликларини яхши билишлари лозим.

Лекин ўрганишларимиз кўрсатдики, ҳозирги пайтда кўпгина кишилар тадбиркорлик ва раҳбарлик ишларига бозор сирларини чуқур ўрганмасдан, унинг “тилнини” билмасдан, иқтисодий категориялар ва молиявий ахборотлардан фойдаланиш усулларини тушунмасдан киришиб кетмоқдалар. Бу нафақат шу кадрни, балки бутун бир меҳнат жамоани қийин аҳволга олиб келади. Корхона фаолияти тўхтайдди. Бу эса жамият учун ҳам катта йўқотишдир.

Мамлакатимизда куйи ва юқори бўғин раҳбарларининг молиявий ҳисоботларни иқтисодий ўқиши бўйича катта ишлар олиб борилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Улар бозор шароитида бизнес тилида гаплашишни ўрганмоқдалар. Бунинг учун ҳар қандай мутахассис бизнес тилини билиши лозим, яъни унинг иқтисодий саводхонлиги бўлмоғи даркор.

Бозор муносабатлари шароитида раҳбарларнинг тегишли ахборотларни билиши ҳали таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли эмас. Эндиликда раҳбарлар ахборотлардан фойдаланиш усулларини, улардан тўғри ва асосли хулоса чиқариш учун таҳлил қилиш йўлларини ва буларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш тамойилларини билиши зарур бўлиб қолди. Бунинг учун раҳбарлар хўжалик фаолияти ҳақида тўғри ахборотларга ва улардан фойдаланиш усулларига эга бўлиши лозим.

Бундай ахборотлар корxonанинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларида мавжуд бўлади. Булардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун эса ҳар бир раҳбар шу ҳисоботларни иқтисодий жиҳатдан ўқиши ва таҳлил қила олиши, таҳлилнинг тегишли усулларини билиши, ҳамкори билан бизнес тилида гаплашишнинг уддасидан чиқа олиши лозимдир. Бунда раҳбар ўз корxonасида молиявий ресурсларнинг ҳолати, уларнинг тўғри жойлашши, самарали ишлаши, ўз маблағларини кўлайтириш йўлларини билиши, айланма маблағлар ҳолатига аниқ баҳо бериши,

солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тўланган-тўланмаганлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг қай аҳволда эканлигидан воқиф бўлади.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳар бир раҳбар молиявий ҳисоботга имзо чекиши билан шу хўжалик фаолияти ҳолатига ва унинг тўғрилигига тўлиқ масъул эканлигини ўз зиммасига олади. Бу эса раҳбарларнинг янада зийрак бўлишини, имзо чекаётган ҳужжатни яхши билишини тақозо қилади. Бу дегани, рақамларнинг қонунийлигини таъминлаш билан бирга, уларни ҳисоб-китоб қилиб тегишли хулоса чиқара олиш кўникмасига ҳам эга бўлишлари лозим.

Сир эмас, кўп ҳолларда раҳбарлар ҳисоботнинг тўғрилиги учун бухгалтерия ходимларига, тўлиқ ишониб қўя қолишади. Лекин ҳалқимизда «ишонч яхши, лекин текшириб кўр» деган мақол бежиз айтилмаган. Шу жиҳатдан, ҳар бир раҳбар ҳисоботни текширишни ва уни иқтисодий ўқишни билиши лозим. Корхоналар молиявий ҳисоботини иқтисодий ўқиш деганда, унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва улардан тегишли хулоса чиқариш йўллари билиш тушунилади.

Раҳбар бухгалтерия ҳисоби ёки молиявий ҳисоботни тузиш йўллари билиши шарт эмас. Аммо у молиявий ҳисоботга имзо чекиш билан бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиши, молиявий ҳолатга баҳо бериши, хусусан, корxonанинг ликвидлигини, молиявий барқарорлигини рентабеллик даражаси каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаб олиши, улардаги ўзгаришларнинг сабабларини билиши лозим. Шуларни билмаган раҳбар ҳамкори билан бизнес тилида гаплаша олмайди. Ҳамкорлари билан бизнес тилида гаплашишни билмаган раҳбар бизнес оламида ўз йўлини топмаслиги табиий.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби икки гуруҳга бўлинди: бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисобга. Ҳар қандай корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи, ташқи файдалонувчиларга мўлжалланган, асосий кўрсаткичлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Худди шундай хўжалик фаолиятининг барча кўрсаткичларини мужассам этадиган ҳужжат «Турон» кўптормоқли хусусий корхонасида молиявий ҳисоботлардир. Мазкур корхонанинг номланиши хусусий бўлгани билан иш юритиш ва мулк шакли очик турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖ сифатида олиб борилади.

Тажриба кўрсатмоқдаки, кўпчилик бизнесменларимиз, хусусан «Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси (иш юритиш ва мулк шакли очик турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖдир) раҳбарлари ҳам, олдинлари янги бир ишга киришишдан олдин уни аниқ ҳисоб-китоб ва назорат тизими зарурлиги тўғрисида унчалик бош қотиришмас эди. Энди эса, улар ишни аввало яхши малакали ходимларни, айниқса ҳисобчиларни топишдан, мукамал бизнес-режани тузишдан бошламоқдалар. Кўзланган режанинг

бажарилиш эса корхона раҳбарига ўз фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиб бориш масъулиятини юклайди.

Бозор муносабатлари шароитида, мулклар хусусийлашган бир пайтда раҳбар ёки мулк эгаси тегишли тарзда назоратни олиб бормаса, ахир оқибатда раҳбар боши берк кўчага кириб қолиши, молиявий имкониятлардан самарали фойдаланаолмаслиги, ишни илгари силжита олмаслиги, ташқаридан қаралганида фаолияти дурустгина бўлиб кўринган корхонасида молиявий талон-тароғликларнинг содир бўлиши каби нохуш ишларга йўл очилиши мумкин экан. Ҳозирги шароитда бунга ҳеч ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Эркинлик – масъулиятир, масъулият эса – назоратдир, деган таъмойилга ҳаммининг амал қиладиган вақти келди, деб ўйлаймиз.

Бундай назорат қилиниши лозим бўлган кўрсаткичлар қаерда ифодаланади?. Бу энг аввало корхонанинг молиявий ҳисоботларида. Шу туфайли ташкилотнинг аҳволи ифода этилган ахборотлар тизимидан тўғри фойдалана оладиган мутахассиснинг бўлиши, айниқса эркин иқтисодиёт шароитида, ўта муҳимдир.

Корхонани бошқаришда, айниқса унинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда қўлланиладиган ахборотлар одатда икки йирик гуруҳга бўлинади: ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган.

Ҳисобланадиган ахборот манбаларига қуйидагилар қиради:

- молиявий ҳисоб ва ҳисобот;
- статистика ҳисоби ва ҳисобот;
- бошқарув (тезкор) ҳисоб ва ҳисобот;
- танлаб қузатилган ҳисоб маълумотлари.

Корхоналарнинг молиявий ҳисоб ва ҳисоботида хўжалик операциялари, хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ифодаланади.

Статистика ҳисоби ва ҳисоботида ҳодиса ва жараёнлар умумий мажмуасининг миқдорий жиҳатлари ифодаланади.

Бошқарув (тезкор) ҳисоб ва ҳисоботларга ҳисобот даври ичида олиш мумкин бўлган ахборотлар мажмуаси қиради.

Танлаб қузатиш натижасида олинган маълумотлар ҳисоботдаги кўрсаткичларни чуқурлаштириш ҳамда ҳодиса ва жараёнларни алоҳида ўрганиш имконини беради.

Ҳисобланмайдиган маълумот манбаларига, доимий равишда ҳисоб-китоб қилиб борилмайдиган, буларнинг натижаси бўйича тизимли ҳисобот олиб борилмайдиган кўрсаткичлар қиради. Буларнинг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ички идора ва идорадан ташқари тафтиш маълумотлари;
- ички ва ташқи аудит ҳисоботлари;
- лаборатория ва тиббий-санитария назорати материаллари;
- солиқ хизмати ходимларининг текшириш натижалари;

- меҳнат жамоасининг мажлис ва йиғилиш қарорлари.

Шунингдек, таҳлил жараёнида, воқеа ва ҳодисалар натижасини таққослаш учун тасдиқланган режа, бизнес-режа ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам қўлланилади.

Бозор муносабатлари шароитида молиявий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуқтаи назаридан ёпиқ ва очик маълумотларга бўлинади. Бундан «Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси (иш юритиш ва мулк шакли очик турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖдир) ҳам мустасно эмас. Молиявий ва статистик ҳисоботларида ифодаланган маълумотлар ташқарига, бошқа субъектларга тақдим қилинади ва улар очик маълумотлар таркибига киради.

Бошқа корхоналар сингари «Турон» кўптормоқли хусусий корхонасида ҳам ўзининг меъёрий кўрсаткичларини, таърифлари, лимитлари ва уларни баҳолаш йўллариини ишлаб чиқади. Бу кўрсаткичлар хўжалик субъектининг тижорат, технологик, ишлаб чиқариш сирини бўлиб ҳисобланади. Бундай сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар корхонанинг ички фойдаланувчилари учун бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида фойдаланилади.

«Турон» кўптормоқли хусусий корхонасида ҳисоботларни тузиш ҳам бошқа корхоналар сингари, йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар шаклини тузиш бўйича кўрғазмага амал қилган ҳолда тузилади. Аммо унда хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Молиявий ҳисобот таркибида асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланадиган бухгалтерия баланси кўрсаткичларини бош китоб кўрсаткичларидаги рақамлар билан солиштирилади. Улар бир-бирига мос равишда тўғри келиши лозим.

2. Бухгалтерия балансидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларидаги суммаси шу бўлим жами суммасига, бўлимларнинг жами суммаси баланс суммасига, актив қисмининг суммаси пассив қисмининг суммасига тўғри келиши аниқланади.

3. Бухгалтерия балансидаги кўрсаткичларнинг молиявий ҳисобот таркибига кирувчи бошқа ҳисобот кўрсаткичлари билан тўғри келиши текширилади.

4. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда ишлаб чиқилган 140-сонли «Бухгалтерия ҳисоботи ва баланси тўғрисидаги Низом»га (ЎзР АВ томонидан 2003 йил 24 январа 1209 рақами билан рўйхатга олинган) ва «Корхона ва ташкилотларнинг йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларини тўлғазиш бўйича Қўлланма»га тўғри келиши кўриб чиқилади. Бу қўлланмага ҳар йили қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб борилади. Ҳозирги пайтда ЎзР Молия вазирлиги томонидан йиллик ҳисоботларни тўлғазиш бўйича йўриқномалар чиқарилмоқда. Унда шу йил давомида содир бўлган барча ўзгаришлар ўз ифодасини топмоқда.

Корхонанинг раҳбари молиявий ҳисоботни тасдиқлашда шу қўйилган талабларнинг ҳаммасига ёки муайян қисмига амал қилинганлигини текшириб кўриши ва ишонч ҳосил қилиши лозим. Акс ҳолда раҳбарнинг лоқайдлиги корхона учун жуда қимматга тушиб кетиши мумкин. Хато тузилган ҳисобот бир кун аниқланиб қолингач корхона кўп миқдорда жарима тўлашига ёки бошқа мажбурий тўловларни амалга оширишига мажбур бўлиши мумкин. Бундай ҳолат кутилмаганда корхонани банкротликка олиб келиши мумкин. Банкротлик, табиийки, ўзининг барча салбий оқибатлари билан бирга келади. Бу эса раҳбарга катта масъулият юклайди ва молиявий ҳисоботга имзо чекишида уни ё тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан сўнггина жазм этади.

Булардан кўриниб турибдики, корхоналар фаолиятининг молиявий таҳлили нафақат ташқи фойдаланувчилар, балки шу корхонанинг бошқарувчилари, яъни ички фойдаланувчилари учун ҳам ўта муҳим иқтисодий ишлардан бири экан.

1.2. Фирма ва компанияларда молиявий ҳисоботлар таркиби ва уларнинг таснифи

Бозор муносабатлари шароитида ҳамма кўрсаткичлар ҳам ошқора қилинавермайди. Шу туфайли молиявий ҳисоботлар таркиби жуда қискагина бўлиб асосий кўрсаткичларни ўзларида ифода этадилар. «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг (иш юритиш ва мулк шакли очик турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖнинг) йиллик ҳисоботлари таркибига қуйидагилар киради:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

5-шакл «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот»

Ярим йиллик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

Чораклик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома».

Таҳлил жараёнида юқорида келтирилган ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилади. Кичик корхоналар ва микрофирмалар фақат йиллик ҳисобот топширадилар. Улар топширадиган молиявий ҳисоботларнинг таркибига қуйидагилар кирди:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома».

Барча корхоналар йиллик ҳисоботлари таркибига яна ҳисоботда кўрсатилган кўрсаткичларга изох ва тушунтиришларни илова қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 25 июндаги 79-сонли буйруғи билан молиявий ҳисоботлар таркибига 2-б шакл «Молиявий-иктисодий ҳолат тўғрисида» маълумотнома киритилган. Бу маълумотнома «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг чораклик ва ярим йиллик ҳисоботлари билан биргаликда топширилади. Ушбу ҳисобот ва маълумотномалардан фойдаланган ҳолда, корхона раҳбари молия-хўжалик фаолиятининг аҳволи жорий йилда қандай эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, молиявий ҳисобот фақат маълумотларнигина кўрсатувчи ҳужжатдир. Унинг барча имкониятларидан фойдаланиш бевосита ундан фойдаланувчиларнинг малакаси, билим савияси ва шахсий сифатларига боғлиқ. Раҳбар корхонанинг умумий иктисодий муаммоларни яхши билиши билан бирга, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўқий олиши, улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Акс ҳолда таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиши бировларнинг ёрдамсиз амалга ошириши кийин кечади.

Бугунги кундаги корхоналар раҳбарлари «Бухгалтерия баланси» ва бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосан маблағларнинг миқдорини, уларнинг шаклланиш манбаларини, умумий маблағларда ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган мажбуриятлар хиссасини, узок муддатли ва оборот активларининг улушини, хўжалик фаолиятидаги иштирок этаётган ўзининг айланма маблағлари, улардан қанча фойда олганлиги, бюджетдан қанча қарздор эканлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати, шундан қанчаси муддати ўтганлиги, баланснинг ликвидлиги, корхонанинг молиявий барқарорлиги каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаши, билиши ва шулар бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида зудлик билан хулоса чиқариш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Корхона раҳбари ҳар бир ҳисоботни ўқий олиши лозим. У «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2- шакл маълумотларига асосан корхонанинг

даромади, харажатлари ва соф фойдасининг шаклланиш йўллари, даромадлар ва харажатларнинг турларини, уларнинг ўзгаришларига таъсир килувчи омилларни аниқлаш йўллари ҳам билишлиги лозим бўлади.

Корхона раҳбари шунингдек, «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» 3-шакл маълумотларига таяниб, асосий воситаларнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги қолдиқларда ўзгаришлар нималар эвазига содир бўлганлигини, қанча асосий восита сотиб олинганлигини, уларнинг қанчаси ишга туширилганлиги ва қандай йўллар билан қамайданлигини (сотилганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги) билиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳисобот асосида асосий воситаларнинг қанча қисми эскирганлиги, унинг яроқлилиқ даражаси ва қанча қисми актив ва пассив қисмлардан иборат эканлиги тўғрисида ҳам ҳулоса қилиш мумкин. Мазкур ҳисобот асосий воситаларнинг таркибий тузилиши тўғрисида тўлиқ маълумот беради.

Агар корхона раҳбари корхона пул маблағларининг турлари бўйича ҳисобот давридаги кирими ва чиқими тўғрисида маълумотларни олиши лозим бўлса, молиявий ҳисоботнинг 4-шакл - «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»га мурожаат қиладилар. Бунда пул оқимлари барча фаолият турлари бўйича алоҳида кўрсатилади. Шунингдек, агар корхона ташқи алоқалар билан шуғулланадиган бўлса, унинг валюта счёти очилади. Корхонанинг валюта маблағлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ушбу ҳисоботда «Чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумот»да ўз аксини топган бўлади. Унда йил бошидаги ва охиридаги валюта қолдиқлари ва барча кирим ва чиқимлар алоҳида турлари бўйича кўрсатилади.

Корхонанинг 5-шакл - «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисида ҳисобот»да корхона маблағлари, уларнинг таркиби, ҳаракати, ҳисобот давридаги ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар ифодаланади. Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг ўз маблағлари муҳим аҳамиятга эга. Ўз маблағлари етарли бўлмаган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти жуда мўрт бўлади. Шу туфайли ушбу ҳисобот кўрсаткичларига ҳам етарли даражада аҳамият берилиш лозимдир.

Бозор муносабатлари шароитида молиявий ҳисоботларнинг энг муҳимларидан бири «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома» - 2а-шаклдир. Бу ҳисоботда давлатимиз ичидаги ва ташқарисидаги корхоналарнинг ушбу қарзлар бўйича маълумотлари ўз ифодасини топган. Ҳар бир қарздорлик бўйича муддати ўтган дебиторлар ва кредиторлар ҳам ушбу ҳисоботда кўрсатилган. Ушбу ҳисобот бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳужжатдир. Чунки миллионлаб пул маблағи муддати ўтган дебитор ва кредитор бўлиб, оборотдан четлаштирилган. Шу туфайли ушбу маълумотларга корхона раҳбарлари алоҳида аҳамият беришлари ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишлари керак. Иқтисодий ишларнинг таркибий қисми, замонавий корхоналарда, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бартараф қилишга қаратилган бўлмоғи лозим.

Молиявий ҳисобот таркибда берилган «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисидаги маълумотнома»да (26-шакл) қуйидагилар: корхона хўжалик маблағларида давлат маблағларининг ҳиссаси; ходимлар сони; ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти; ишлаб чиқаришга жалб қилинган хом ашёнинг четдан келтирилган ва маҳаллий манбалари бўйича улуши; экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми каби ахборотлар ўз аксини топган. Аммо 2005 йил натижалари бўйича тузилган ҳисоботларда мазкур маълумотнома талаб қилинмайди. Аммо таҳлил нуқтаи назаридан ушбу маълумотнома материаллари жуда керак. Шу туфайли келажакда ушбу маълумотномани топширишни ҳам мажбурий қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу молиявий ҳисобот маълумотларидан оқилона фойдалана билиш катта самаралар келтиради. Ахборотлар шунчаки маълумот учун эмас, балки улардан тўғри фойдаланиб, корхонанинг аҳволини ўрганиб тегишли хулоса чиқариш ва шу асосда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун қўлланилиши лозим.

1.3. Фирма ва компаниялар бухгалтерия балансининг турлари ва унга қўйилган асосий талаблар

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий қисмларидан биридир. Шунинг учун корхона раҳбари уни иқтисодий жиҳатдан ўқий олиши, ҳар бир моддасида ифода этилган маълумотлар асосида корхонаси аҳволини кўра билиши, маблағлар қаердан келиб тушди, улар қаерга жойлаштирилди, самарали ишлаш учун шу маблағлар етарлими деган саволларга жавоб топа олиши лозим. Шу саволларга жавоб бериш учун корхона раҳбари баланс тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак.

«Баланс» атамаси лотинча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади. У тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар, таҳлилга онд адабиётларда, қуйидаги белгилари бўйича таснифланади: тузилиш вақти, ахборот ҳажми, мулкчилик шакли, акс эттириш объекти, тозалаш усули. Буларни келтиришимиздан мақсад, таҳлил қилинаётган объектлар турли вазиятларда ва турли аҳволда бўлиши мумкин. Булар эса, қачон қайси баланс туридан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланслари: кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш баланслари бўлиши мумкин.

Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади. Унда корхона ўз фаолиятини бошлаётган пайтдаги бойликлар суммасини белгилайди.

Жорий баланслар корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилиб турилади.

Тугатиш баланслари корхона тугатилганда тузилади.

Бўлиш баланслари йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади. Шунинг учун бу баланс баъзида бериш баланси ҳам дейилади.

Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда (қўшилганда) тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар бир марталик ва йиғма балансларга бўлинади. Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади.

Йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклларига кўра давлат, корпоратив, хусусий, аралаш ва қўшма корхоналар, шунингдек, жамоат ташкилотлари балансларига бўлинади.

Акс эттириш объектига кўра баланслар мустақил ва алоҳида балансга ажратилади. Мустақил балансни ҳуқуқий шахс бўлган корхоналар тузади. Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар, корхонанинг автотранспорт ва турар жой-коммунал хўжаликлари ва шу кабилар) тузади.

Тозалаш усулига кўра - баланслар баланс-брутто ва баланс-неттога ажратилади.

Баланс-брутто - тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи балансдир. Асосий воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда қилинадиган суммалар, бошқа моддалар миқдоридagi суммалардан чегириладиган моддалар тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, асосий воситалар қолдиқ қийматини аниқлаш учун «Асосий воситалар» суммасидан «Асосий воситаларнинг эскириши» суммаси чегирилади. Баланс-бруттода тартибга солувчи моддалар суммаси баланс якуни қийматига киритилади.

Баланс-неттода - балансининг умумий қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилади. Бу жараён балансни «тозалаш» дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар, шу жумладан, "Турон" кўптормокли хусусий корхонасида (иш юритиш ва мулк шакли очик турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖда) ҳозирги пайтда баланс-нетто тузмақда, яъни баланс якунига: асосий воситалар, номоддий активлар, ярзон ва тез эскирувчан буюмлар қолдиқ қиймати, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилмоқда. Шу туфайли ҳозирги пайтда баланс-брутто ва баланс-нетто деган тушунчалар ўз моҳиятини йўқотмоқда. Аммо биз ушбу тушунчаларни келгиришимиздан мақсад, балансининг ушбу турлари ҳам мавжуд бўлганлиги

ва уларнинг амалиётда ўз вақтида қўлланилганлиги, бу борадаги иктисодий ишларнинг бир мунча такомияллашганлигини кўрсатишдан иборатдир.

“Турон” кўптормоқли хусусий корхонада (иш юритиш ва мулк шакли очик турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖда) ҳозирги пайтда жорий баланс тузилмоқда. Бунинг шакли қуйидагича (1-жадвал).

1 - жадвал

**“Турон” кўптормоқли хусусий корхонанинг 2008 йил 1 январ
ҳолатига бухгалтерия баланси кўрсаткичлари
(минг сум)**

Баланс бўлими ва моддалари сони	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охири- да	Фарқи, (+,-)
АКТИВ				
1. Узоқ муддатли активлар, яъни 1- бўлим бўйича жами	130	190107,9	242749,4	+ 52641,5
2. Жорий активлар, яъни 2-бўлим бўйича жами	390	207431,5	251457,6	+ 44026,1
БАЛАНС	400	397539,4	494207,0	+ 96667,6
ПАССИВ				
1. Ўз маблағлари манбалари, яъни 1- бўлим бўйича жами	480	263171,1	306902,6	+ 43731,5
2. Мажбуриятлар, яъни 2-бўлим бўйича жами	770	134368,3	187304,4	+ 52936,1
БАЛАНС	780	397539,4	494207,0	+ 96667,6

Манба: “Турон” кўптормоқли хусусий корхонанинг 2008 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллифларнинг ишланмаси.

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, баланснинг умумий қиймати ошган. Бу ҳам актив, ҳам пассив қисмига тегишли. Барча бўлимлар суммалари ҳам йил давомида кўпайганлигини кузатамиз. Бу бухгалтерия баланси бўйича дастлабки хулосадир.

Бухгалтерия балансиغا қўйилдиган асосий талаблар: тўғрилиқ, реаллик, яхлитлик, изчиллик ва тушунарлиқдир. Бу талабларга ҳар қандан корхонанинг баланси ҳам тўлиқ жавоб бериши лозим.

Баланснинг тўғрилиги унинг тузиш жараёнида асос қилиб олинган ҳужжатларнинг тўлаллиги ва сифати билан таъминланади. Агар ҳисобот даврида хўжалиқ фаолиятининг барча фактлари ўз вақтида ҳужжатли

расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, унда баланс корхона ишининг ҳуқуқий яқинини ақс эттирмайди. Бухгалтерия балансининг ҳар бир моддаси ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби рақамларидаги ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари билан тасдиқланган бўлиши керак. Бухгалтерия баланси маълумотларини қасдан бузиш никобланиш дейилади. Балансни никобланиш қонунларининг бузулганлигини яшириш ёки корхона фаолиятининг айрим томонларини бўрттириб кўрсатиш мақсадида тузилган баланс бўлиб ҳисобланади. Буни айрим ҳолларда амалдаги қондалардан беҳабарлик оқибатида билмасдан қилиши ҳам мумкин.

Баланс реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқеликка мувофиқ келишини аниқлатади. Балансининг «тўғрилиги» ва «реаллиги» тушунчаларини бир-бирига аралаштирмаслик керак. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин. Яъни баланс маълумотлари ҳужжатлар асосида тузилган бўлади ва ҳақиқатда мавжуд маблағларни кўрсатади, аммо унинг айрим моддалари реал ҳолатни, масалан, асосий воситалар - маънавий эскирганликни, дебиторлик қарзларини талаб қилиб олиб бўлмаслигини, унинг қанча қисми умидсиз дебитор эканлигини ифодаловчи вазиятларни кўрсатмайди.

Баланс бирлиги балансни ягона ҳисобга олиш ва баҳолаш тамойиллари бўйича тузилишини, яъни корхонанинг барча таркибий бўлинмаларида ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамлари (сметларининг) ягона номенклатураси уларнинг бир хилдаги мазмуни, икки ёқлама бухгалтерия ёзувунинг амалга ошириши ва шу қабилар қўлланилишини аниқлатади.

Ўзбекистонда балансининг яхлитлигига эришилган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда ишлаб чиқилган 140-сонли «Бухгалтерия ҳисоботи ва баланси тўғрисидаги Низом»га (ЎзР АВ томонидан 2003 йил 24 январа 1209 рақами билан рўйхатга олинган) асосан бухгалтерия балансининг ягона шакли қабул қилинган, бухгалтерия сметларининг 2002 йилдан бошлаб ягона режаси жорий қилинган. Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Корхоналарда чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботи шакллари тўлдирish бўйича кўрсатмалар» асосида тузилади.

Баланс давомийлиги ҳар бир кейинги баланс олдинги балансдан келиб чиқиши тамойилига асосланади. Масалан, олдинги йил якуний баланси (йил охиридаги маълумотлар) ҳисобот йили балансида йил бошидаги маълумотлар сифатида ифодаланади. Чунки ҳисобот йили олдинги ўтган йилнинг давоми ҳисобланади.

Баланс аниқлиги - балансни тузувчилар ва уни ўқийдиган ҳамда таҳлил қиладиган кишиларнинг тушуниши учун қулайлигидир. Балансни аниқ ва тушунарли қилиш учун ҳозирда баланс моддалари реквизитлари ва номлари икки тилда (ўзбек ва рус тилида) баён қилинган, унинг шакли анча соддалаштирилган.

1.4. Бухгалтерия балансини тахлилга тайёрлаш ва унинг аниқлигини текшириш

Бухгалтерия балансини тахлилга тайёрлаш уни тузишнинг тўғрилигини ва айрим моддаларининг аниқлигини текшириш баланс кўрсаткичлари билан ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғланишни аниқлашни, унинг айрим кўрсаткичларини тартибга солувчи суммалардан «тозалашни» ва йирикроқ пул ўлчамидаги суммаларни яхлитлашни назарда тутати.

Баланс тузилиши тўғрилигини текширишда арифметик ва моддий текширувлар амалга оширилади.

Арифметик текширув баланс ва айланма қайднома (ведомост)лар, бош дафтардаги суммаларни солиштириш, баланс гуруҳлари ва бўлимлари бўйича суммаларни, актив ва пассив яқунлари тенглигини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Ҳар бир бўлимнинг жамининг тўғрилигини ҳам арифметик текширув жараёнида амалга оширилади.

Моддий текширув моддий бойликлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Товар-моддий бойликларнинг барча қолдиғи уларни натурал шаклида ҳақиқий мавжудлигига мувофиқ келиши керак. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари қолдиғини ҳисобот маълумотларини йўқлама (инвентаризация) далолатномалари билан таққослаб текширган маъқул.

Балансининг аниқ (реал)лиги баланс моддаларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Балансда хўжалик маблағларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади. Бу Низомга кўра балансда кўрсатилган барча моддий бойликлар тўғри баҳоланган бўлиши керак, чунки нотўғри баҳолаш хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижасини бузиб кўрсатади. Бу эса ўз навбатида нотўғри хулосаларга олиб келиши тайин. Нотўғри хулосалардан тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиб бўлмайди. Бухгалтерия балансидаги нотўғри ёзишлар қўшиб ёзиш, яшириш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар оқибатида юзага келади. Бу эса баланс моддаларини нотўғри баҳолашга олиб келади.

Бухгалтерия ҳисоботларини, хусусан бухгалтерия балансининг реаллигини таъминлаш борасидаги тадбирлар узлуксиз такомиллашиб борди ва бормоқда. Буларни такомиллаштириш ва уларнинг меъёрий асосларини яратиш учун тегишли вазирлик ва идоралар томонидан бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Булар жумласига «Молиянинг ҳисоботни тайёрлаш ва тақдир этиш учун Концептуал асос» (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 10

14 августда 475 рақам билан рўйхатга олинган); БХМС № 1 Ҳисоб сиеъати ва молиявий ҳисобот (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474 рақам билан рўйхатга олинган); БХМС №15 “Бухгалтерия баланси” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 30 мартда 1226 рақам билан рўйхатга олинган); Молиявий ҳисоб шакллари тўлдириш тартиби (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 июлда 1117-2 рақам билан рўйхатга олинган); Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тўғрисида Низомлар (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 июлда 942 рақам билан рўйхатга олинган).

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг боғланиши балансда ва бошқа ҳисобот жадвалларида акс эттириладиган айрим кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали аниқланади. Масалан, бухгалтерия баланси 1 бўлимнинг актив қисмида «Узоқ муддатли активлар» ифодланади. Унда асосий воситалар йил бошига ва охирига дастлабки қийматида, уларнинг эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати бўйича ҳам кўрсатилади. 3-сон ҳисобот жадвали «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»да асосий воситалар турларининг йил бошидаги ва охиридаги расшифровкаси, уларнинг йил давомидаги ўзгариши, шунингдек, эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати берилди.

Бунда маълумотлар боғланишини қиёслаш учун бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг йил бошига ва охирида кўрсатилган қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар (010, 011, 012 сатрлар) 3-сон шакл маълумотлари (3, 6, 7, 10, 11, 12-катак (графа)нинг 130-сатри)га мувофиқ келиши керак. Бухгалтерия балансининг маълумотлари молиявий ҳисоботини бошқа шакллари билан ҳам худди шу йўсинда таққосланади.

Молиявий аҳволни таҳлил қилиш учун дастлаб бухгалтерия баланси таҳлилга тайёрланиши керак. Таҳлилга тайёргарлик балансни тозалаш, рақамларни яхлитлаш ва бўлимларни гуруҳлашдан бошланади.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтишидан олдин ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимида бухгалтерия балансини тартибга солувчи (регулировка қилувчи) моддалар (асосий воситалар эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, савдо устамалари) билан тузилган. Бундай балансининг номи баланс-брутто бўлган. Бухгалтерия балансида рақамлар аниқ бўлиши учун балансни тозалаш, яъни тартибга солувчи моддалар чиқариб ташланиши ва бир қатор моддаларни гуруҳлаш амалга оширилиши керак бўлган. Бундай бухгалтерия баланси юқорида қайд этилганидек баланс-нетто, яъни тозаланган баланс деб юритилган.

Ҳозирги пайтда амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра хўжалик юритувчи субъектларда баланс-нетто тузилади. Баланс якуни корхона тасарруфида бор бўлган маблағлар ва уларнинг маъбалари суммасининг реал баҳосини билдиради.

Бирок, тахлил кулай бўлиши учун балансни айрим таркиби бир хил бўлган моддаларнинг суммаларини бирлаштириш йўли билан тўлдирилган тахлилий баланс тузилиши керак.

Ҳозир ҳам бухгалтерия балансида тартибга солувчи моддалардан асосий воситаларнинг эскириши, номоддий активларнинг эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, ишлатилган фойда суммаси, товарларга савдо устамаси кабилар ифодаланган. Аммо улар балансининг жами суммасига киритилмайди.

Тўлдирилган тахлилий балансни тузишда ҳисобот йилида суммалар акс эттирилмаган моддалар чиқарилиши, шунингдек, турли бўлимлар моддаларини, масалан «Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар» моддаси дебиторлар (кредиторлар) ва бошқалар билан ҳисоб-китобларни акс эттирувчи моддалар билан бирлаштирилиши керак.

Намуна тарикасида тўлдирилган балансни куйида келтирилган баланс шаклида (4-жадвалга қаранг) кўриш мумкин. Ушбу корхона молнявий ҳолати мазкур баланс асосида тахлил қилинган.

Кўришиб турибдики, бухгалтерия балансини тахлилга тайёрлаш ҳам маълум даражада билимни талаб қиладиган иқтисодий ишдир. Шу туфайли бу масалага тахлил жараёнида катта аҳамият берилиши лозим.

Баланс маълумотлари бўйича корхонанинг молнявий хўжалик фаолиятида содир бўлаётган ўзгаришларни бемалол тахлил қилиш мумкин. Мисол тарикасида активлар тахлилини келтирамиз (2-жадвал).

2-жадвал

“Турон” кўптармоқли хусусий корхонада активларнинг
2001-2007 йиллардаги ўзгаришлари динамикаси

Йиллар	Барча активларнинг умумий ҳажми	Ўзгариш суръати	Шу жумладан					
			Асосий воситалар		Номоддий активлар		Айланма маблағлар	
			Сумма	Ўзгар. суръати	Сумма	Ўзгар. суръати	Сумма	Ўзгар. суръати
2001	327738,1	100,0	134932,5	100,0	1957,8	100,0	190299,5	100,0
2002	343707,9	104,9	141910,9	105,2	3663,2	187,1	198133,7	104,1
2003	359360,6	109,6	155385,5	115,2	5230,1	267,1	198745,0	104,1
2004	377624,2	115,2	166614,5	123,5	6279,0	320,7	204730,7	107,6
2005	382135,0	116,6	171058,6	126,8	7235,4	369,6	203841,1	107,1
2006	397539,4	121,3	181996,7	134,9	8138,2	415,7	207431,5	109,0
2007	494207,0	150,8	233231,2	172,9	9563,3	448,5	251457,6	132,1

Маъна: “Турон” кўптармоқли хусусий корхонасининг 2000-2007 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифларнинг ишланмаси

Ушбу жадвал маълумотларида активларнинг динамикасини кўриш мумкин. Барча активлар 2000-2007 йилларда 150,8 % ўсган. Активлар ичида номоддий активларнинг ўзгариш суръати бошқа активларга нисбатан жадал бўлган. Шу даврда номоддий активларнинг ўсиш суръати – 448,5 %га тенг

бўлган бир пайтда асосий воситаларнинг ўзгариш суръати 172,9 %ни ташкил қилган. Айланма маблағлар эса атиги 132,1 %гина кўпайган. Бу ҳолат кўрсатадики, мазкур корхонада асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш масалалари яхши йўлга қўйилган бўлиб уларнинг улуши ошиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг активлари асосан 2005-2007 йилларда тез суръатлар билан ўсган. Бунга сабаб шу йилларда асосий воситаларнинг кескин ўсганлиги билан характерланади. 2006 йилда 2005 йилга нисбатан барча активлар 124,3 % ўсган бўлса ($494207,0 \cdot 100 / 397539,4$), асосий воситалар шу даврда 128,2 %га ўсган ($233231,2 \cdot 100 : 181996,7$), яъни унинг ўзгариш коэффициенти 1,03 га ($128,2 : 124,3$) тенг. Бу ҳолат юқорида таъкидланганидек, асосий воситалар таркибига янги илғор технологик линияларнинг жорий қилинганлиги билан боғлиқ.

Худди шу тарзда корхонанинг молиявий салоҳиятини ҳам таҳлил қилиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

“Турон” кўлтормокли хусусий корхонасида молиявий салоҳиятнинг 2001-2007 йиллардаги ўзгаришлари динамикаси

Йиллар	Молиявий салоҳият умумий ҳажми	Ўзгариш суръати, %	Шу жумладан			
			Ўз маблағлари		Четдан жалб қилинган маблағлар	
			Суммаси, минг сум	Ўзгариш суръати, %	Суммаси, минг сум	Ўзгариш суръати, %
2001	327738,1	100,0	281854,7	100,0	458783,4	100,0
2002	343707,9	104,9	284246,4	100,9	59461,5	129,6
2003	359360,6	109,6	290722,8	103,1	68637,8	149,6
2004	377624,2	115,2	288504,8	102,3	89119,4	194,2
2005	382135,0	116,6	278578,4	98,8	103558,6	225,7
2006	397539,4	121,3	263171,1	93,3	134368,3	292,8
2007	494207,0	150,8	306902,6	108,8	187304,4	408,2

Манба: “Турон” кўлтормокли хусусий корхонасининг 2001-2007 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифларнинг ишланмаси

Мазкур жадвалдан кўришиб турибдики, корхонанинг молиявий салоҳиятида четдан жалб қилинган маблағларнинг ҳиссаси ва ўзгариш суръатлари жадал ўсмоқда. Бу бозор муносабатларининг босқичма-босқич чуқурлашаётганлигидан далолат беради. 2000-2007 йилларда корхонанинг ўз маблағлари 108,8 % ўсган бир пайтда, четдан жалб қилинган маблағларнинг ўсиш суръати 408,2 %га тенг бўлган. Унинг ўзгариш коэффициенти 3,75 га ($408,2 : 108,8$) тенг. Бу ҳам кўрсатадики, корхона иқтисодиётида кредитларнинг роли ошиб бормоқда.

Охирги пайтларда кредитларнинг мамлакатимиз, хусусан корхоналар иқтисодиётдаги ҳиссасининг ошиб боришига сабаб ўзимизда ҳам инфляция жараёнининг бир мунча барқарорлашиб қолганлигидан далолатдир.

2-боб. Фирма ва компанияларда бухгалтерия балансини иктисодий ўқиш ва молиявий таҳлилга тайёрлаш.

2.1. Бухгалтерия балансининг таркиби ва унинг молиявий таҳлил манбаи эканлиги

Бухгалтерия баланси икки қисмдан **актив ва пассивдан** иборат бўлади. Унинг **актив** қисмида корхона сармоясининг таркиби ва жойлаштирилиши, **пассивда** - активларни ташкил этиш манбалари, яъни ўз сармоёси ва мажбуриятлари, бошқа корхона ёки жисмоний шахсларнинг вақтинча жалб қилинган маблағлари кўрсатилади.

Шундай қилиб, «Турон» кўптормокли хусусий корхонасида бухгалтерия баланси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Корхона эгаллик қиладиган воситаларни акс эттирувчи активлар.
2. Корхона тасарруфидаги ўз маблағлари.
3. Кейинчалик қайтариллиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансида корхона активлари икки гуруҳда: **узоқ муддатли ва айланма активларда** акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларга асосий воситалар, номоддий активлар, сармоя қўйилмалари, сотиб олинган акциялар ва заёмлар киритилади. Корхонанинг ишлаши билан бу воситалар ўз қийматини ўзгартирмайди. Масалан, асосий воситалар қиймати кеска вақт мобайнида миқдор жиҳатидан ўзгармайди.

Жорий активлар, нақд пул маблағларни, истеъмолчилар ҳисобварақларини ва нақд пул маблағлари шаклини эгаллаши лозим бўлган захираларни ўз ичига олади. Жорий хўжалик даври мобайнида бу активлар доимо ўзгариши мумкин. Нақд пул маблағларига айлантирилиши осон бўлган активлар ва осон реализация қилинадиган активлар бундай активлар турига киритилади.

Корхона баланси бўйича унинг активлари ва пассивларидаги ҳолат ўрганилади. Активлар суммаси корхона хўжалик маблағларининг таркибий тузилишини ифодаласа, пассив қисми - манбаларини ифода этади. Унинг активларини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

- баланси тузиш кунда корхонада бўлган воситаларни (асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолар);
- уларнинг жойланишини (асосий воситаларда, капитал қурилишда, дебиторлик қарзида ва ҳоказоларда);
- уларнинг хўжаликдаги асосий ролини (айланма, асосий ёки жалб этилган маблағлар).

Баланс пассиви маълумотлари асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

- маблағ қайси манбадан келганлигини;
- маблағлар кимга тегишли (ўзиникими ёки четдан жалб қилинганми) эканлигини;
- маблағларнинг белгиланган мақсади қандай эканлигини (узок муддатли ёки қисқа муддатли қўйилмалар).

Баланс активи ва пассивида барча баланс моддалари иккита йирик бўлимга гуруҳланган. Баланс активида маблағлар қуйидаги бўлимлар бўйича тақсимланган:

- 1-бўлим. Узок муддатли активлар;
- 2-бўлим. Жорий активлар

Баланс пассивида ҳам маблағлар манбалари икки бўлимга бўлинади. Булар жумласига:

- 1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари;

2-бўлим. Мажбуриятларни киритиш мумкин. Бу бўлимларнинг ўзларига юклатилган вазифалари бор. Уларнинг ҳар бири корхона молиявий ҳолатининг у ёки бу жиҳатларини ифода этади. Шу тўғрисида таҳлил жараёнида асосий маълумотлар манбаи сифатида айнан шу молиявий ҳисоботлардан, унинг таркибий қисми бўлган балансдан кенг фойдаланилади.

Бунинг ҳолатини “Турон” кўптормокли хусусий корхонанинг 2008 йил 1 январ ҳолати бўйича бухгалтерия баланси мисолида кўриш мумкин (4-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотлари бўйича хулоса чиқариладиган бўлинса, шунини таъкидлаш мумкинки, мазкур корхонада баланс қиймати анча ошган. Агарда унинг актив қисмини таҳлил қиладиган бўлсак шунини кузатиш мумкинки, ҳисобот йилида узок муддатли активлар ҳам, жорий активлар ҳам ошган. Аммо узок муддатли инвестициялар ва ўрнатилган асбоб ускуналар қиймати камайган. Қолган барча моддалари бўйича кўпайиш содир этилган. Баланснинг пассив қисмида ҳам барча моддалари бўйича кўпайиши юз берган. Бунда ўз маблағлари ҳам ва четдан жалб қилинган маблағлар ҳам ҳисобот йилида ошган. Бундай ҳолатни умуман олганда ижобий ҳол, деб баҳолаш мумкин.

Баланс активининг 1-бўлими «Узок муддатли активлар»да узок фойдаланиладиган активлар (моддий-ашёвий воситалар, қимматли қоғозлар, узок муддатли инвестициялар) акс этирилади. Балансда улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

Асосий воситаларга узок вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) шаклини ўзгартирмаган ҳолда ишлатиладиган, ўз қийматини қисман йўқотадиган моддий-ашёвий бойликлар киради. Балансда улар дастлабки қиймати бўйича, эскириши ва қолдиқ қиймати бўйича ҳам кўрсатилади.

**“Турон” кўптармоқли хусусий корхонанинг (ОТАЖнинг) 2008 йил 1 январ ҳолатига
бухгалтерия баланси кўрсаткичлари
(минг сум)**

4 – жадвал

АКТИВ				
Баланс бўлими ва моддалари сопи	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи, (+,-)
I. Узоқ муддатли активлар				
Асосий воситалар қолдиқ қиймати	010-012	154611,1	210791,1	+56180,0
Номоддий активлар қолдиқ қиймати	020-022	8138,2	9563,3	+1425,1
Узоқ муддатли инвестициялар	030	13923,0	13175,0	- 748,0
Ўрнатилган асоб-ускуналар	090	8280,7	6140,7	- 2140,0
Капитал қўйилмалар	100	1939,5	2737,7	+ 798,2
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	110	3215,4	4241,6	+ 1026,2
1-бўлим бўйича жами	130	190107,9	242749,4	+ 52641,5
I. Жорий активлар				
Товар-моддий захиралари	140	174583,7	206785,0	+ 32201,3
Дебиторлар жами	210	19246,1	29536,0	+ 10289,9
Пул маблағлари	320	1351,9	1504,7	+ 152,8
Қиска муддатли инвестициялар	370	11100,1	12510,6	+ 1410,5
Бошқа жорий активлар	380	1149,7	1121,3	- 28,4
2-бўлим бўйича жами	390	207431,5	251457,6	+ 44026,1
БАЛАНС	400	397539,4	494207,0	+ 96667,6
ПАССИВ				
I. Ўз маблағлари манбалари				
Устав капитали	410	137607,1	159841,5	+ 22234,4
Қўшилган капитал	420	22438,3	24351,6	+ 1913,3
Резерв капитали	430	23547,2	24663,4	+ 1116,2
Сотиб олинган хусусий акциялар	440	13251,4	13486,9	+ 235,5
Таксимланмаган фойда	450	50817,0	67768,8	+ 16951,8
Мақсадли тушумлар	460	2294,7	2548,8	+ 254,1
Келгуси давр харажатлари ва тўловлар учун захиралар	470	13215,4	14241,6	+ 1026,2
1-бўлим бўйича жами	480	263171,1	306902,6	+ 43731,5
2. Мажбуриятлар				
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	490	34109,7	79752,2	+ 45642,5
Жорий мажбуриятлар, жами	600	100258,6	107552,2	+ 7293,6
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари	601	96407,3	103209,6	+ 6802,3
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602	3851,3	4342,6	+ 491,3
2-бўлим бўйича жами	770	134368,3	187304,4	+ 52936,1
БАЛАНС	780	397539,4	494207,0	+ 96667,6

Манба: “Турон” кўптармоқли хусусий корхонанинг 2008 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллифларнинг ишланмаси.

Номоддий активларга ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан бинолар, иншоотлар, ақлий интеллектуал мулк, товар захиралари, ихтиролар, «нау-хау» ва бошқалардан фойдаланишга доир мулкый ҳуқуқлар қиймати киради. Балансда уларнинг дастлабки ва қолдиқ қиймати эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати акс эттирилади.

Сармоя қўйилмаларига хўжалик ёки пудрат усулида амалга оширилаётган тугалланмаган қурилиш қиймати, шунингдек, геологик-қидирув ишлари ва корхоналарга ана шу мақсадда берилган маблағлар суммаси киради.

Узоқ муддатли инвестицияларга корхоналарнинг бошқа корхона устав фондига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган омонатлари киради. Бундан ташқари, бу бўлимда сотиб олинган акциялар, бошқа корхоналарга берилган қарзлар алоҳида моддалар билан кўрсатилади.

Баланс активининг 2-бўлими «Жорий активлар» деб аталади. Бу айланма маблағларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Захиралар ва сарфлар - ишлаб чиқариши захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, қайта сотиладиган товарлар, давр харажатлари.
2. Пул маблағлари - кассадаги, валюта маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар, қайта сотиб олинган ўз акциялари.
3. Дебиторлар - харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар, уюшган корхоналар билан ҳисоб-китоблар, таъсисчилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Баланс пассиви ҳам икки бўлимдан иборат бўлади:

1. Ўз маблағлари.
2. Мажбуриятлар.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида ўз маблағлари акс эттирилиб, улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

1. устав сармояси;
2. қўшилган сармоя;
3. захира сармоя;
4. сотиб олинган хусусий акциялар;
5. тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар);
6. мақсадли тушумлар ва фондлар;
7. келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари;

Охириги иккита модда олдинги йиллар балансида қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида 2-бўлимда кўрсатилади. Аслида эса бу маблағлар ўз маблағларига киритилиши керак.

Устав сармояси, одатда, унинг таъсисчилари қўшган бадаллар эвазига ташкил бўлади. Унинг кўпайиши хўжалик фаолияти давомида оладиган фойда эвазига амалга ошади. Зарур ҳолларда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари эвазига ҳам кўпайиши мумкин.

Устав сармоясига бадал шароитида асосий воситаларни (бино, иншоотлар, жихозлар, қурилмалар) ва бошқа моддий неъматларни ҳамда номоддий активларни (ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш ҳукуки, нау-хау, товар белгилари кабилар)ни кўшиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, устав капиталининг миқдори таъсис ҳужжатида қайд этилган ҳажмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Қўшилган сармоя (капитал) - бу акциянинг биринчи марта номинал қийматидан ортиқча сотиш эвазига олинган эмиссион даромаддир.

Захира сармоеси - корхона уставига асосан фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралардан, инфляция захираларидан мулкни қайта баҳолаш учун қайта ташкил қилинган, қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклардан иборат бўлади.

Захира сармоеси миқдори таъсисчилар томонидан белгиланган устав сармоясининг 25 фоизигача миқдорда ташкил қилиниши мумкин. Захира сармоясини келгуси харажатлар ва тўловлар захираси билан аралаштирмаслик лозим. Бу захира корхона устави ва қонун асосида ташкил қилинади.

Ушбу захира харажатлар ва тўловларга бир хил миқдорда қўшиб бериш учун тўланади. Масалан, ходимлар таътили учун тўпланган маблағ, узоқ ишлаганлиги учун тўланадиган рағбатлантиришга мўлжалланган маблағ, мавсумий харажатлар учун тўланадиган маблағ, асосий воситаларни таъмирлаш учун ажратилган харажатлар ва ҳоказо.

Тақсимланмаган фойда - корхонанинг ўтган ва ҳисобот йилида тақсимланмай қолган фойда миқдорининг маълум бир муддатга қолдиғини ифодалайди.

Мақсадли тушумлар ва жамғармалар - бевосита бирор мақсадли тадбирларни ўтказишга қаратилган маблағларни ўз ичига олади. Буларга: болалар боғчалари, яшаш ва бошқа бинолар қуриш, илмий-тадқиқот ишларини таъминлаш каби тадбирларга мўлжалланган маблағлар киради.

Келгуси давр даромадлари келгуси давр учун шу жорий йилда олинган даромадлардир. Бунга: камомадлар бўйича келгусида тўпланадиган тушумлар, айбдор шахслардан камомад чиққан неъматларнинг баланс қиймати миқдорида ўндириб олинган маблағлар каби моддалар киради.

Балансининг пассив томонидаги иккинчи бўлимида ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинган ва маълум муддатдан кейин қайтарилиши шарт бўлган мажбуриятлар жамланган. Бу мажбуриятлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва заёмлардан ҳамда турли кредитор қарзлардан иборат бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли мажбуриятларга тўланиш муддати бир йилдан ортиқ, қисқа муддатлиларга бир йилдан кам бўлган қарзлар киради.

Бухгалтерия балансида узоқ муддатли мажбуриятлар иккита моддада кўрсатилади: «Узоқ муддатли заёмлар» ва «Узоқ муддатли кредитлар».

«Узоқ муддатли заёмлар» моддасида банклардан бошқа корхона ва ташкилотлардан олинган муддати бир йилдан ортиқ бўлган қарзлар киради.

«Узоқ муддатли кредитлар»га бир йилдан ортиқ бўлган муддатга банклардан олинган қарзлар киради.

«Қиска муддатли кредитлар» моддасида банклардан бир йилгача олинган қарзлар кўрсатилади. Ушбу моддада банкларнинг ушбу корхона ходимларига уй-жой қурилиши учун берган кредити ҳамда товарларни кредитга сотиб олганда унинг қолдиқ миқдори кўрсатилади.

Қиска муддатли қарзларга «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (ҳисоб рақамига тушганлар)» ҳамда «Кредиторлар» гуруҳига кирувчи баланс моддалари киради.

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (ҳисоб рақамига тушганлари)» моддасида бошқа ташкилотлардан келгуси давр ҳисоб-китоблари учун олинган суммалари кўрсатилади. Айниқса, ҳозир барча тўловлар олдин амалга оширилмоқда. Бу эса ушбу моддада пул бўлиб туришига асос бўлади.

«Кредиторлар» гуруҳида турли ташкилот ва корхоналардан, бюджет, суғурта, товар жунатувчилар ва пудратчилардан қарзлар, ишчи ва хизматчилар иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар каби кредитлар кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансида корхонанинг муайян санадаги (йил боши ва охири) хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган.

2.2. Молиявий таҳлилда бухгалтерия баланси моддаларининг бир-бири билан боғлиқлигини ўрганиш тартиби

Корхона маблағлари ва уларнинг манбалари бухгалтерия балансида муайян сана билан (чорак боши ёки охири, йил) кўрсатилади.

Балансда актив моддалари кўрсаткичлари пассив моддалари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар тенг бўлиши шарт.

Бундай ўзаро боғлиқликни шартли равишда «Турон» кўптурмоқли хусусий корхонаси (иш юритиш ва мулк шакли очиқ турдаги акциядорлик жамияти - ОТАЖдир) молиявий ҳисоботи мисолида кўриб чиқайлик (4-жадвал маълумотлари).

Мазкур корхонанинг баланси йил бошида 397539,4 минг сум, йил охирида эса 494207,0 минг сумни ташкил этган. Шу тариха, мазкур ОТАЖ йил охирига келиб 494207,0 минг сумлик хўжалик маблағларига эга бўлган деган хулосага келиш мумкин. Бу маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланган: узоқ муддатли активлар, яъни асосий воситаларда, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатилган асбоб ускуналар, капитал қўйилмалар – йил бошида 190107,9 минг сум бўлган бўлса, йил охирига келиб 242749,4

минг сумга етган. Жорий активлар, мос равишда 207431,5 ва 251457,6 минг сумни ташкил қилади.

Бу манбалар ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан таъминланган. Ўз маблағлари ҳисобидан йил бошида 263171,1 минг сум қопланган бўлса, йил охирига келиб 306902,6 минг сумга етган. Худди шундай маблағларнинг бир қисми мажбуриятлар, яъни четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан мос равишда 134368,3 минг сум ва 187304,4 минг сум миқдорида таъминланган.

Шу келтирилган маълумотлар асосида ҳисоб-китоблар қилинадиган бўлса маблағларнинг қандай манбалардан қопланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, корхонанинг ўз маблағлари йил бошида қуйидаги тарзда тақсимланади: узоқ муддатли активлар – 190107,9 минг сум, оборот маблағлари– 73063,2 минг сум ($263171,1 - 190107,9 = 73063,2$). Оборот маблағларининг қолган суммаси, яъни 134368,3 минг суми ($207431,5 - 73063,2$) четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига қопланган. Шу тариқа корхона ўз маблағларининг оборотдаги улуши 35,2 фоизни ташкил этади:

$$\frac{(73063,2 \times 100)}{207431,5}$$

Корхонанинг қолган 64,8 фоиз маблағи ($100,0 - 35,2$) четдан жалб қилинган. Худди шундай ҳисоб-китобни йил охиридаги маълумотлар бўйича ҳам амалга ошириш мумкин.

Бухгалтерия балансининг умумий ички ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқамиз:

* Баланс активи барча бўлимларининг йиғиндисини унинг пассив қисмидаги барча бўлимлар йиғиндисига тенг:

$$P1A + P2A = P1П + P2П;$$
$$190107,9 + 207431,5 = 263171,1 + 134368,3$$

Корхона маблағларининг битта суммаси икки бўлимда: таркиби ва жойлашиши, шунингдек, вужудга келиш манбалари бўйича тақдим этилади. Таркиби бўйича - корхонанинг маблағлари: асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолардан иборатдир. Воситаларнинг таркиби маблағларнинг қаерда (асосий ёки оборот маблағларда, кассада, ҳисоб-китоб счётида ва ҳоказо) жойлашганлигини кўрсатади.

Маблағларнинг ҳар бир суммаси (асосий воситалар, товар захиралари, нақд пул) шаклланиш манбасига эга бўлади (ушбу корхона таъсисчиларининг ўз маблағлари, jisмоний ва юридик шахслардан қарзга олинган маблағ, банк кредитлари).

* Ўз маблағлари суммаси одатда узоқ муддатли активлар суммасидан ортиқ бўлиши керак:

$$P1П > P1A :$$
$$263171,1 > 190107,9$$

Корхонанинг ўз маблағлари асосий воситаларни харид қилиш ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар учун сарфланади. Қолган қисми ҳисобига эса оборот маблағлари (ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари ва хоказо) қопланади. Агар ўз маблағлари узоқ муддатли активлардан кам бўлса, бу корхона оборотдан ташқари активларни қоплаш учун қарз маблағларидан фойдаланганлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида бу ҳолат қониқарсиз аҳвол саналади. Бундай ҳолда корхона тўловга ноқобил ҳисобланади.

* Оборот активлари, яъни товар захиралари, харажатлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар умумий суммаси қарзлар умумий суммасидан ортиқ бўлиши лозим:

$$P2A > P2П;
207431,5 > 134368,3$$

Оборот маблағларининг катта қисми, одатда, қарз маблағлари эмас, ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Агар мажбуриятлар суммаси (P2П) оборот активларидан ортиқ бўлса, бу оборот маблағларининг бутун суммаси қарз маблағлари ҳисобига шаклланишидан далолат беради. Бозор муносабатлари шароитида бундай корхона тўловга ноқобил ва иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда бўлиши мумкин.

* Узоқ муддатли мажбуриятлар узоқ муддатли активлардан ошиб кетмаслиги даркор:

$$УММ < P1A
34109,7 < 190107,9$$

Бу узоқ муддатли активлар, биринчи навбатда, ўз маблағлари ҳисобига шаклланиши билан изоҳланади. Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлардан асосий воситалар, капитал ва узоқ муддатли қўйилмаларни инвестициялаш учун қўлланилади. Улар шунингдек, оборот активларида (товар захираларини харид қилиш, пул маблағларини ташкил этиш ва хоказода) ҳам фойдаланилиши мумкин.

* Ўз оборот маблағлари (ЎОМ) ўз маблағлар маъбаларидан (P1П) кам бўлиши керак. Чунки ўз оборот маблағлари корхона ўз маблағларининг бир қисми ҳисобланади.

$$ЎОМ < P1П;
73063,2 < 263171,1$$

Оборот активлари оборотдаги шахсий маблағлар қўшув қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар, шунингдек, қўшув оборот маблағларини тўлдиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ва қарзларга тенг бўлиши керак.

Актив ва пассив бўлимлари ўртасидаги ўзаро муносабатни «Турон» кўптормокли хусусий корхона баланси бўйича кузатиш мумкин.

Мазкур корхонада таҳлил қилинаётган давр охирида хўжалик маблағлари 494207,0 минг сумни ташкил этган. Улар қуйидагилар ҳисобига ташкил этилган:

1. Ўз маблағлари – 306902,6 минг сум.

2. Жалб қилинган маблағлар (Мажбуриятлар) – 187304,6 минг сум.

Ўз маблағларининг 242749,4 минг суми узок муддатли активларни шакллантиришга йўналтирилган. Қолган қисми эса (73063,2 минг сум) ўз оборот маблағларини ташкил этади. Қисқа муддатли қарздорлик 107552,2 минг сум (187304,4 – 79752,2 минг сум) оборот активларини тўлдириш учун тўлиқ фойдаланилган.

Шу тариқа, оборот активларининг бир қисми ўз маблағларни қолган қисми эса қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан қопланган.

Актив моддаларининг ўзаро боғлиқлиги бухгалтерия баланси моддалари бир қанча ўзгаришларни талаб қилади.

Амалийликда бундай ўзгаришларнинг тўртта тури кузатилади. Буни биз «Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

1. Фақат балансининг актив қисмидаги суммаларнинг ўзгариши. Масалан, ҳисоб-китоб счётида маблағдан корхонанинг кассасига пул келтирилиши. Бу ҳолда корхонанинг кассасида маблағ кўпаяди, аммо ҳисоб-китоб счётида камаяди. Бу ҳолда ўзгаришлар фақат балансининг актив қисмида содир этилганлиги учун балансининг умумий суммаси, яъни якуни ўзгармайди.
2. Балансининг пассив қисмидаги суммаларнинг ўзгариши. Корхона фойдасининг бир қисми бошқа фондга кўчирилган бўлса, ўзгариш пассив счётларда содир бўлади, аммо бухгалтерия балансининг умумий суммаси ўзгармасдан қолади. Бу ҳолда фойдадан ажратилган фонднинг суммаси кўпаяди, фойда суммаси эса шу микдорга камаяди. Баланс пассив қисмининг умумий суммаси ўзгармайди, сабаби ўзгариш фақат балансининг пассив қисмида содир бўлади.
3. Балансининг актив ва пассив қисмидаги суммаларининг бир маромда кўпайиши рўй беради. Масалан, етказиб берувчилардан материаллар келди, дейлик. Бунинг натижасида «Материаллар» актив моддаси кўпаяди. Худди шу сумма ҳисобидан етказиб берувчиларга қарз (пассив моддаси) ҳам кўпаяди. Яъни балансининг иккала қисми ҳам (актив ва пассив) бир хил микдорда кўпаяди. Натижада балансининг умумий миқдори ҳам кўпаяди.
4. Балансининг актив ва пассив қисмидаги сумманинг бир маромда камайиши рўй беради. Масалан, ҳисоб-китоб счётидан етказиб берувчига материаллар учун маблағ тўланди. Натижада, «Ҳисоб-китоб счёти» актив моддасидаги сумма камаяди ва худди шу суммага етказиб берувчига қарздорлик (пассив моддаси) ҳам камаяди. Бу ҳолда балансининг иккала қисми бир хил суммага камаяди.

Буни мазкур ишда келтиришимиздан мақсад, амалиётда кўпгина бухгалтерлар балансинг ушбу сирини билмайдилар. Уларга бу борада йўл-йўрик кўрсатиш бугунги кунда ўта мухимдир. Бу таклиф бевосита амалиётга ҳам тадбиқ қилиниши мумкин.

2.3. Молиявий таҳлилда бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш тартиби.

Бухгалтерия баланси моддалари молиявий ҳисоботнинг муайян шакллари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқдир. Зеро, 2-сон «Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот» шаклида корхона томонидан бир йилда олинган фойда ҳисоб-китоби берилади. Фойданинг барча 5 тури бўйича ҳисоб-китоб келтирилади. Бу шакл маълумотномасида эса бюджетга барча тўловлар кўрсатилади.

Бухгалтерия балансининг пассив қисми 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да тақсимланмаган фойда суммаси кўрсатилади. Активнинг 2-бўлимида дебиторлик қарздорлигида турлари бўйича сумма берилади. ОТАЖнинг дебиторлик қарздорлиги йил охирида 3644 минг сумни ташкил этди. У бир йилда 1396 минг сумга ошган. Баланс пассивининг 2-«Мажбуриятлар» бўлимида бир йилда муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги 85 минг сумга кўпайган ва 6014 минг сумни ташкил этган кредиторлик қарздорлиги қайд этилган.

Назорат қилиш учун молиявий ҳисоботда махсус «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» бор. Унда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг вужудга келиши ақс эттирилади. Яъни улар қандай корхоналар бўйича ташкил этилганлиги ва суммаси кўрсатилади. Мисолимизда бутун суммада муддати узайтирилган дебиторлик қарздорлиги 2383 минг сум ёки бутун қарздорларнинг 65,4 фоизини, кредиторлик қарздорлиги 4033 минг сум ёки 67,1 фоизини ташкил этган. Бундай ҳолат қониқарсиздир, чунки катта маблағлар музлатилган бўлиб, улардан хўжалик фаолиятида фойдаланилиши мумкин эмас.

Баланс активининг 1-бўлимида асосий воситалар ҳақидаги маълумотлар: уларнинг бошланғич қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати мавжуд. 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот»да асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ҳамда бошланғич қиймати бўйича давр боши ва охиридаги қолдиқлари (уларнинг эскириши ва қолдиқ қиймати) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар асосий восита ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун жуда мухимдир.

4-шакл «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот»да пул маблағларининг барча турлари - хўжалик фаолияти, дивидендлар, солиққа тортиш, инвестициялар ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар кўрсатилади. 4-шакл бухгалтерия баланси билан ўзаро боғлиқ. Бухгалтерия балансининг 170, 180 ва 190-сатрлар бўйича

қолдик пул маблағлари 4-шаклда 070 ва 080-сатрлардаги пул маблағлари қолдикларига тенгдир. «Валюта маблағлари ҳаракати ҳақидаги маълумотнома»да (090 ва 120-сатрлар) валюта маблағлари қолдиги кўрсатилади. Бу бухгалтерия балансида 180-сатр бўйича кўрсатилади.

5-шакл «Ўз сармоясини ҳақидаги ҳисобот»да устав сармоясини, қўшилган устав сармоясини, резерв сармоясини, тақсимланмаган фойда ҳаракати ҳақидаги маълумотлар берилди. Баланс пасивининг 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да уларнинг йил боши ва охиридаги аҳволи кўрсатилган. Бундай шаклга асосланиб, корхонанинг ўз сармоясини ташкил бўлиши ва ҳаракати, шунингдек тузилмаси таҳлил қилинади. Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда шу тарзда молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида фойдаланиш зарур.

Улар бир-бирини тўлдириб боради. Мазкур маълумотлар молиявий ҳисоботнинг шакллари ўртасидаги оддий боғлиқликни ифодалаш билан чекланмайди. Улар корхонани бошқариш ва маълумотларни назорат қилиш учун ҳам ўта муҳимдир.

3 - Боб. Фирма ва компанияларда молиявий ҳисоботини ўқиш ва дастлабки таҳлил орқали корxonанинг молиявий аҳволига баҳо бериш

3.1. Бухгалтери баланси ва молиявий ҳисоботларни иқтисодий ўқишнинг объектив зарурлиги

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай корxonанинг яшовчанлигини таъминлаш муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирлардан биридир. Бунга эришиш учун корxonаларнинг бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботларни иқтисодий жиҳатдан ўқий олиш лозим. Бу жараён турли мулкчилик шароитида объектив звруриятга айланмоқда.

Корxonаларнинг молиявий ҳисоботларини ўқиш ундаги пул муносабатларига, молиявий ҳолатига баҳо бериш учун муҳимдир.

Пул муносабатлари тизими деганда иқтисодий жараёнларнинг бири бўлган пул маблағлари айланишининг пул фондларини шакллантириш ва сарфланишини инфодаловчи молиявий муносабатлар тушинилади.

Корxonанинг молиявий ҳолати унинг молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасини, рақобатбардошлик, молиявий барқарорлик ва тўловга қодирлик ҳолатини, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодирлиги каби кўрсаткичларни тавсифловчи категория ва жараёнлар натижалари мажмуини ўз ичига олади.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, корxonанинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш унинг мулкий ҳолати, ликвидлиги, молиявий барқарорлиги, молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади.

Корxonанинг молиявий ҳолати жуда кўп омилларга боғлиқ. Жумладан, корxonанинг иш ва бозор фаоллиги молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Молиявий ҳолат ўз навбатида корxonанинг бозор фаоллигига ҳам таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики иқтисодий жараёнлар сингари кўрсаткичларнинг ўзгаришлари ҳам бир-бири билан узвий боғлиқдир. Таҳлилнинг дастлабки, кўрсаткичларни баҳолаш босқичида шу масалаларга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида корxonаларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Уни амалиётда бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари маълумотларига асосан амалга оширилади. Корxonанинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш ҳисобот даври охиридаги баланс моддаларини йил бошидаги маълумотлар билан таққослаш ва фарқларни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Балансининг муайян моддалари бўйича ўзгаришлар корxона хўжалик фаолияти натижасида содир бўлиши мумкин. Таҳлилда айнан шу ҳолатлар тўлиқ ўрганилади.

Корхонанинг хўжалик фаолияти натижалари унинг фаолиятини қандай бошқарилаётганлигига боғлиқдир. Аммо корхоналар фаолиятига дастлабки баҳо беришда корхонанинг қайси тормаққа мансублигини эътиборга олиш лозим. Чунки баланснинг таркибий тузилиши корхона нима билан шуғулланишига боғлиқ. Шундай қилиб, савдони олсак, баланс активда товар захиралари, саноатда эса асосий воситалар, ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлар, транспортда ёкилғи мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар муҳим ўрин тутиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар хўжалик маблағлари тузилмаси кўп жиҳатдан корхонанинг фаолият соҳаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларга ҳам боғлиқ бўлади. Бироқ, мулкӣ ҳолатни баҳолаш ва таҳлил қилишда уларга ёношув асосан бир хил услубда олиб борилади. Фақат уларни кўриб чиқишда корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларнинг миқдорига аҳамият берилиши лозимдир.

Корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига баҳо беришда унинг мол-мулкни баҳолашни унутмаслик лозим. Корхонанинг мол-мулкни нақд пулга айлантириш ҳамда узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашга сарфлаш мумкин бўлганида баланс активи (пулланадиган) бўлади. Бунда актив моддаларининг хусусияти шундан иборатки, улар йўқ бўлиб кетмайди, балки бир шаклдан иккинчисига ўтади. Масалан, товар-моддий бойликларнинг маълум қисми сотилади, дейлик. Бу ҳолда корхонадаги товар моддий бойликлар камаяди. Бироқ ҳисоб-китоб варағидаги, кассадаги ёки валюта ҳисоб сметидаги пул маблағлари шунча суммага кўпаяди. Баланс яқуни ўзгармайди. Чунки товар-моддий бойликлари ҳам, пул ҳам корхонанинг маблағлари бўлиб, унинг баланс активда туради.

Корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига баҳо беришда унинг маблағлари манбаларига ҳам аҳамият бериш лозим. Чунки, баланс пассиви моддалари «сўндириладиган» бўлади, чунки улар қарз тўланиши оқибатида «йўқ бўлиб кетиш» қобилиятига эга. «Ликвидлилик» пассивда акс эттириладиган мажбуриятларнинг актив маблағлари ҳисобидан қопланишидир. Масалан, солиқлар бўйича бюджетга қарз узилган. Бу ҳолда бюджетга қарз тўланган ва ҳисоб-китоб сметидаги пул маблағлари камайган бўлади. Баланс пассивида ҳам, активда ҳам маблағлар солиққа тўланган сумма миқдориди камаяди. Яна бир мисол: харидорларга олдинроқ тўланган бўнақ эвазига тайёр маҳсулот берилди. Харидорларнинг бўнақлари ҳисобидан қарздорлик «туғатилди» ва тайёр маҳсулот суммаси ҳам камаяди. Шу тўғайли баланс моддасининг кўпайиши ва камайишига жуда иқтисодий синчиковлик билан ёндошиш лозимдир. Зеро баланснинг кўпайиши ҳаминиша яхшиликка олиб келмаганидек, унинг камайиши ҳам ҳаминиша ёмонлик оқибати эмас.

Корхоналар фаолиятига баҳо берганда, уни дастлабки ўқиш пайтида банкротлик эҳтимолини ҳам инобатга олиш лозим. Агар у банкрот бўлган тақдирда, шунингдек, корхонанинг маблағлари кредиторлар билан ҳисоб-

китоб килиш учун етарлилигини, яъни у қарзини мавжуд маблағлари ҳисобидан тўлашга қодирлигини, унда қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун назарий жиҳатдан етарли миқдорда айланма маблағлар мавжудлигини аниқлаш зарур бўлган вазиятларда баланснинг ликвидлиги масалалари айниқса жиддий бўлиб қолади. Шу жиҳатдан ҳарқандай раҳбар ўз корхонасининг ликвидлигини ҳамisha назорат қилиб боришлари лозимдир.

Корхоналар фаолиятига баҳо беришда айрим кўрсаткичларга юзаки қараб бўлмайди. Хусусан, дастлабки ҳисоб-китоблар ликвидлилик даражаси яхши эканлигини, молиявий аҳвол ижобий эканлигини кўрсатиши мумкин. Аслида эса, корхона жорий активлардаги катта маблағларини қарзни тўлашга йўналтира олмаслиги мумкин. Бу товар захираларига талаб йўқлиги, тайёр маҳсулотни сотиш қийинлиги, дебиторлар тўловга қобилиятли эмаслиги, муддати ўтган дебиторлик қарзлари суммаси катталиги туфайли мазкур корхона тўловга қобилиятсиз бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли, корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилганда, унинг ликвидлилик даражасидан ташқари тўловга қобилиятлилигини, яъни муайян пайтда қисқа муддатли қарзларни узиш имкониятини аниқлаш ҳам зарурдир.

Айрим ҳолларда корхонанинг соҳаси ва молиявий аҳволдан келиб чиқиб, халқаро тажрибалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро амалиётда жорий мажбуриятларни бажаришнинг куйидаги нисбати назарда тутилган: тўловга тақдим этилган сче́тлар, қисқа муддатли мажбуриятлар, дивидендлар, ҳисобланган мажбуриятлар (харажатлар билан боғлиқ), олинган бўнақлар, келажак даврларнинг даромадлари (хизмат кўрсатишдан олдин олинган пул маблағлари, масалан, бўнақ тўланган ижара ҳақи, тўловга қўйилган солиқлар, кафолат мажбуриятлари, ишчи ва хизматчиларга қайтарилиши керак бўлган қарзлар), муддати ўтказилган қарз мажбуриятлари, тўлаш муддати қайд этилмаган (талаб қилиб олингунча) мажбуриятлар. Худди шундай ҳолат бизнинг амалиётимизда ҳам кўчаб учраши мумкин.

Корхоналарнинг молиявий ҳисоботини ўқишда активларнинг таркибий тузилишига ҳам аҳамият берилмоғи лозим. Чунки, секин сотиладиган активларни узоқ муддатли пассивлар билан таққослаш келажакда ликвидлилик мавжуд бўлишини, яъни келажакдаги тушумлар ва тўловлар асосида тўлов қобилияти тахмин қилинишини кўрсатади. Лекин бу тўловлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Секин сотиладиган ва қийин сотиладиган активлардан, одатда, корхона банкрот бўлганида қарзларни қонлаш учун фойдаланилади. Шу туфайли асосий эътиборни жорий активларга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шу тарикда дастлабки берилган баҳо натижасида ҳисоблаб чиқарилган ликвидлилик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари корхонанинг турли даврлардаги балансларини, шунингдек, молиявий ҳолатини баҳолаш мақсадида турли корхоналарнинг балансларини таққослаш имконини беради.

Ликвидлилик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст бўлган ва ёмонлашиб бораётган корхоналар банкрот деб топилиши мумкин. Бунинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим иқтисодий-ижтимоий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Амалдаги тартиб бўйича банкротлик ҳолатига мамлакатимизда ўзига хос ёндошувлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 28 августда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кредиторларнинг пул маблағлари бўйича талабларини тўла ҳажмда қондиришга, шу жумладан солиқлар, йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмаган корхоналар банкрот (иқтисодий жиҳатдан ночор) деб ҳисобланади. Бунда банкротликни хўжалик суди эътироф этган ва қарздорнинг ўзи ихтиёрий равишда ўзини тугатиш чоғида эълон қилган бўлиши керак. Хўжалик суди қарздор, кредитор ва прокурор тақдим этган банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Суд банкротликни эътироф этгандан кейин ишончли (ваколатли) шахс тугатиш комиссиясининг кузатуви остида корxonани тугатиш, шу жумладан, қарзларни ўзиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади.

Корxonанинг бундай аҳволга олиб бормаслик учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ва баҳоланиб турилиши керак. Ликвидлилик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;
- айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш қабиларни киритиш мумкин.

Ушбу ҳолатларга эришиш учун корxonалар молиявий ҳисоботларини иқтисодий ўқишни яхши билиш лозим. Ҳисоботларни иқтисодий ўқиш – бу таҳлилнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бунга эришиш учун корxonанинг ҳисоботларига дастлабки баҳо беришни билиш лозим. Бунга эса бир қанча молиявий коэффициентларни аниқлаш орқали эришилади. Шу туфайли кўпгина адабиётларда корxonанинг молиявий ҳолатига дастлабки баҳо беришга бағишланган таҳлилни молиявий коэффициентлар таҳлили ҳам деб юритилади. Хуллас, корxonанинг молиявий таҳлили, унинг молиявий ҳолатига дастлабки баҳо беришдан бошланади.

3.2. Фирма ва компанияларнинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш

Дастлабки баҳолашдан келиб чиқиб, барча корхона раҳбарлари сингари «Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси раҳбарияти ҳам ўз корхонасини молиявий жиҳатдан таҳлил қилишда қуйидаги ҳолатларни ўрганадилар:

- хўжалик маблағлари умумий суммаси ва унинг йил давомида ўзгарганлиги;

- ўз ва қарз маблағлар манбалари суммаси, уларнинг йил давомида ўзгарганлиги ва ўзаро нисбати;

- ўз маблағлари манбалари суммасининг оборотдан ташқари (узок муддатли) активлар суммасига нисбати;

- корхона мажбуриятлари (қарздорлиги) суммасининг оборот активлари суммасига нисбати;

- захиралар ва харажатларнинг йил давомида ўзгариши;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжудлиги ҳамда уларнинг йил давомида ўзгаришини аниқлаш мумкин.

Хўжалик маблағлари умумий суммаси бухгалтерия баланси маълумотлари асосида аниқланади. «Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси бўйича мисолимизда (аввалги 4-жадвалга қаранг) унинг миқдори йил бошида 397539,4 минг сумни ташкил этган бўлса йил охирига келиб унинг миқдори 494207,0 минг сумга етди. Бу дегани йил давомида унинг миқдори 96667,6 минг сумга кўнайди деганидир. Ўз маблағлари манбалари (баланс пассиви 1-бўлими жами) ва мажбуриятлар (баланс пассиви 2-бўлими жами) ҳам мос равишда ошган. Таҳлил қилинаётган йил охирига келиб корхонанинг ўз маблағлари 306902,6 минг сумни ташкил этди ҳамда у йил давомида 43731,5 минг сумга (306902,6 минг сўм – 263171,1 минг сум) ошди. Бухгалтерия балансида кўриниб турибдики, маблағларни ташкил этиш манбаларининг асосий қисмини айнан ўз маблағлари ташкил этган. Бу кўрсаткич мазкур «Турон» кўптормоқли хусусий корхонасининг молиявий барқарор эканлигидан далолат беради.

Ўз маблағлари таркибида 159841,5 минг суми устав сармоясидир. Бунинг улуши мазкур корхонада энг юқори. Корхона раҳбари бухгалтерия балансини таҳлил қилганда бунга алоҳида аҳамият бериши лозим. Таҳлил даврида устав сармояси ўтган йилга нисбатан 22234,4 минг сумга кўпайган. Бу корхонанинг ўз бойлиги ҳисобланади. Шу туфайли унинг мутасаддилари мазкур моддадаги сумманинг қавча ўзгарганлигига эътиборни қаратиши лозим.

Ўз маблағлари суммаси, одатда, узок муддатли активлар (баланс пассиви 1-бўлими жами) суммасидан ортиқ бўлиши даркор. Ўз маблағларнинг

узок, муддатли активлардан ортик бўлган суммаси мажбуриятларнинг бир қисмини қоплашга йўналтирилган бўлади. «Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасида йил охирида ўз маблағлари манбалари узок муддатли активлардан 73063,2 минг сумга (263171,1 минг сум – 190107,9 минг сум) кўндир. Бу сумма одатда айланма маблағлар таркибида иштирок этади. Агар ўз маблағлари манбалари узок муддатли активлардан кам бўлса, бу оборот маблағлари тўлиқ мажбуриятлар ҳисобига шаклланганлигидан далолат беради ҳамда корхонанинг тўловга қодир эмаслиги ва унинг молиявий ҳолатининг ёмонлигини кўрсатади.

Қарз маблағларида кредиторлик қарздорлигига эътибор қаратиш лозим. «Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасида кредиторлик қарздорлик ҳисобот даврининг охирида 103209.6 минг сумни ташкил этган ва бу йил давомида 6802,3 минг сумга кўнйган.

Қарз маблағлари («Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасининг тахлил даври йил охиридаги мажбуриятлари) 187304,4 минг сум (баланс пассиви 2-бўлими жами) бўлган ва йил давомида 52936,1 минг сумга ошган, бироқ улар суммаси ўз маблағлари суммасидан 119598,2 минг сумга камлигича қолган (306902,6 минг сум – 187304,4 минг сум). Бу оддий ҳол бўлиб, маблағларнинг манбаларида корхонанинг ўз маблағлари устулик қилишидан далолат беради.

Агар қарз маблағлари ўз маблағлардан кўп бўлганида қисқа муддатли қарздорлик узок муддатли активларни харид қилишга сарфланганлиги ҳамда оборот активларини тўлиқ қоплашини ақс эттирарди. Бундай вазият мақбул бўлмай, корхонанинг тўловга қодир эмаслиги ва молиявий барқарор бўлмаганлигини кўрсатади.

«Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳақида маълумотнома» (2-шакл) асосида муддати ўтган кредиторлик қарзлар мавжудлиги аниқланади. Корхона раҳбари бунинг сабабларини аниқлаши зарур. Бундан ташқари, у бухгалтерия баланси активида:

- асосий маблағлар дастлабки қиймати ва эскириши;
- ишлаб чиқариш захиралари, тугатилмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот суммаси;
- оборот активлари суммаси;
- дебиторлик қарздорлиги ва айниқса унинг муддати узайтирилган қисми миқдоридagi ўзгаришларнинг рўй берганлиги каби ҳолатларга диққатни қаратиши керак.

Баланс активи 1-«Узок муддатли активлар» бўлимида асосий воситалар энг кўп суммани ташкил этади. Балансда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати кўрсатиллади. Тахлил жараёнида буларни асосий воситаларнинг алоҳида турлари бўйича ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Балансни кўриб чиқаётганда эскириш суммаси ва унинг қолдиқ қийматига эътибор қаратиш даркор. Эскириш суммасининг дастлабки

қийматга нисбати асосий воситалар эскириши даражасини, қолдиқ қийматнинг дастлабки қийматга нисбати эса - улар яроқчилигини аке эттиради. Эскириш даражасининг ошиб кетиши корхона асосий воситалари жисмонан ҳам эскирганлигини кўрсатади.

Корхона маҳсулот турлари ва сифати бўйича рақобатбардошли бўлиши учун ишлаб чиқариш жиҳозларини вақти-вақти билан янгилаб туриш, янги технологияларни жорий қилиши керак.

«Турон» кўптормоқли хусусий корхонасида, асосий воситалар қолдиқ қиймат бўйича ҳисобот йилида 56180,0 минг сумга кўпайган ва 210791,1 минг сумни ташкил этган. Буни асосий воситаларнинг бошланғич қиймати билан таққослаб унинг яроқчилик даражасини аниқлаш мумкин. Асосий воситаларнинг эскириш қийматини унинг бошланғич қиймати билан таққослаб асосий воситаларнинг эскириш даражасини аниқлаш мумкин. Агар асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0,36 ни ташкил этган бўлса, уларнинг 36 фоизи таъмирланиши ёки янгилааниши лозимлигидан далолат беради.

Бухгалтерия балансини кўриб чиқар экан, раҳбар ишлаб чиқариш захиралари, тугатилмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот мавжудлигига ҳам эътиборни қаратиш керак. Бу маблағлар гуруҳини «Товар-моддий захиралар» (ТМЗ) деб номлаш қабул қилинган. Уларнинг кўпайиши бирор даражада оборот маблағлари имобилизацияси, яъни маблағларни қийин амалга ошириладиган активларга жалб қилинишига олиб келади. Ишлаб чиқариш захираларининг кескин ошиб кетиши эҳтиёждан ортиқ хом ашё харид қилиниши ёки ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги оқибати бўлиши мумкин.

Тугатилмаган ишлаб чиқаришнинг кўпайиши тайёрланаётган маҳсулотнинг камлигига, тайёр маҳсулот кўпайиб кетиши эса уларни сотишда қийинчиликларга олиб келиш эҳтимоли бор. Бу кўрсаткичларнинг миқдори меъёр даражасида бўлгани маъқул. Меъёрларни ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзлари учун ўзлари белгилаб олишлари мумкин. Бу ҳар бир корхонанинг реал шароитидан келиб чиқади.

«Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси бухгалтерия балансида ҳисобот даврида ТМЗ суммаси 22201,3 минг сумга (86785,0 минг сум – 64583,7 минг сум) ошиб кетган. Айланма маблағларнинг ушбу гуруҳида тайёр маҳсулотнинг улуши юқори ва бу кўрсаткич ошиб бомоқда. Бу кўрсаткични ҳам диққат билан ўрганиб чиқиш лозим. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг катта қисми сифатсизлиги ва рақобатга бардош бера олмаслиги оқибатида яхши сотилмаётганлиги билан изоҳланиши ҳам мумкин.

Бухгалтерия балансини кўриб чиқишда дебиторлик қарздорлиги ўзгаришига ҳам катта аҳамият бериш лозим. Чунки бу масала энг муҳим ҳукуматимиз эътиборида турган масалалардан биридир.

Дебиторлик қарздорлигининг катта суммада шаклланиши корхона маблағларининг имобилизацияси, оборотдан чиқиб кетишига олиб келади. 2-а шакл асосида аниқланадиган муддати узайтирилган дебиторлик қарздорлиги айниқса салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

«Турон» кўптормокли хусусий корхонасида ҳисобот йили охиридаги дебиторлик қарздорлиги 69536,0 минг сумми ташкил этди ҳамда йил давомида у 10289,9 минг сумга кўпайди. Буларнинг таркибида муддати ўзайтирилган дебиторликнинг ошиб кетишига йўл қўйилмаслиги лозим. Корхона раҳбари бундай ҳолат сабабларини аниқлаши ва тегишли жойларда буни тушунтириб беришга тайёр бўлиши лозим.

Шу тариқа, «Турон» кўптормокли хусусий корхонаси раҳбари бухгалтерия балансини кўриб чиқаётганида корхонанинг қуйидагиларни тавсифловчи манбалари ва маблағлари мавжудлигини назарда тутиш даркор:

- хўжалик фаолиятини яхшилаш (умумий сармоя ўсиши; ўз маблағлари манбалари: оборот маблағлари суммаси ва улуши ошганлиги; дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайганлиги);

- корхона молиявий ҳолати ёмонлашганлиги (хўжалик маблағлари умумий суммасида мажбуриятлар улуши ўсганлиги; дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, айниқса, муддати утган қисмининг кўпайганлиги; захиралар ва харажатларда маблағлар суммаси ва улуши, асосий воситалар эскириши даражаси ошганлиги).

Корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида янада тўлиқ маълумотлар олиш учун уларнинг тўлиқ таҳлилини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу иш иқтисодчи ёки бош бухгалтерга топширилиши мумкин. Таҳлил материаллари раҳбарнинг бошқарув қарорларини қабул қилиши учун асос қилиб олинishi лозим.

4 –Боб. Бухгалтерия ҳисоботларини молиявий коэффициентлар орқали таҳлил қилиш усуллари

4.1. Молиявий коэффициентлар тўғрисида умумий тушунча

Ҳозирги шароитда фирма ва компаниялар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда тезкор хулоса чиқариш учун молиявий коэффициентлардан фойдаланилади. Бу коэффициентлар асосан қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади.

1. Ликвидлик коэффициентлари.
2. Ишчанлик фаолиги коэффициентлари.
3. Молиявий барқарорлик коэффициентлари.
4. Рентабеллик коэффициентлари.

Юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Шу туфайли уларни таҳлил қилишга икки хил ёндашув билан таҳлил қилиш мумкин:

- барча кўрсаткичларни ялпи таҳлил қилиш;
- ҳар бир гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш.

Иккала ҳолатда ҳам молиявий кўрсаткичлар орқали корxonанинг молиявий ҳолатига тезкор баҳо бериш ва бошланғич хулоса чиқаришга қаратишган. Бу жараён фирма ва компанияларнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Фирма ва компанияларнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш деганда унинг турли молиявий хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни бир-бирига ўзаро алоқадор ҳолда ўрганиш ва молиявий хўжалик фаолияти ҳақида яхлит хулосага келиш учун қилинадиган ҳисоб-китоб тадбирлари мажмун тушунилади.

Молиявий таҳлилда молиявий коэффициентлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш мазкур корхона фаолияти натижасига қизиқувчи шахсларнинг тўғри қарорлар қабул қилиши учун имконият яратади. Ҳисоботларни таҳлил қилишнинг кенг тарқалган усулларида бири махсус молиявий коэффициентлар орқали унинг молиявий фаолиятига баҳо беришдир.

Молиявий коэффициентлар орқали таҳлил қилишнинг моҳияти молиявий ҳисоботлар асосида ҳисобланган маълумотларни ўртача тармоқ меъёрлари билан ёки олдинги йиллардаги кўрсаткичлар миқдори билан, ёки бошқа фирма ёки компания маълумотлари билан махсус коэффициентлар миқдорини солиштириш ҳисобланади. Молиявий коэффициентлар тезкор ва дастлабки хулосаларни чиқариш учун асос бўлади. Аммо улар орқали чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қиладиган компаниянинг заиф нуқталарини кўрсатувчи жаҳатларини аниқлаш ҳам мумкин. Демак, молиявий таҳлилнинг

дастлабки босқичи молиявий коэффициентлар таҳлили жаплагини эътироф этмоқ лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, молиявий коэффициентларнинг миқдори турли тормақ ва соҳаларда турлича бўлади. Бир тормақда мамлакатнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, унинг турли ҳудудларида бир хил иқтисодий ўсими ва салоҳият бўлмаганлиги туфайли бир тормақнинг ўзида ҳам ягона коэффициентлар тизимига амал қилганимайди. Шу туфайли ҳар гал молиявий коэффициентларни қўллаганда бир хил хулосага келиш учун уларнинг миқдорини солиштиришни тақозо қилади. Шу туфайли мазкур коэффициентларни алоҳида гуруҳлари бўйича аниқ маълумотларни қўллаб таҳлил қилиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

4.2. **Фирма ва компанияларнинг ликвидлик коэффициентлари ва уларнинг таҳлили**

Мазкур гуруҳ коэффициентларни таҳлил қилишдан олдин айрим назарий ва амалий хулосаларни қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Фирма ва компанияларнинг ликвидлиги деганда уларнинг қарзлар бўйича ўз жорий мажбуриятларини бажариш қобилиятини аниқлаш тушунилади.

Фирма ва компанияларнинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни қирғиш мумкин:

- фаол айланма маблағлар;
- жорий ликвидлик коэффициенти;
- тез ликвидлик коэффициенти;
- соф тез ликвидли активлар;
- соф тез ликвидлик коэффициенти.

Фирма ва компанияларнинг фаол айланма маблағларини ҳисоблаш унинг ликвидлигини таҳлил қилишнинг бошланиши бўлиб ҳисобланади. Чунки соф айланма маблағлари бўлмаган фирма ва компанияларнинг ликвидлиги тўғрисида гап юритишнинг ўзи ортиқча.

Фаол (соф) айланма маблағлар деганда жорий активларнинг жорий мажбуриятлардан ортиб қолган қисми тушунилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун жорий активларни жорий мажбуриятлар билан солиштириш етарли бўлади. Буни аниқлаш учун қуйидаги боғлиқликни келтириш мумкин:

$$\text{Фаол айланма маблағлар} \quad \left| = \right| \quad \text{Жорий активлар} \quad \left| - \right| \quad \text{Жорий мажбуриятлар}$$

Энди қисқа муддатли ёки жорий активлар ва жорий мажбуриятлар нисбатини аниқлаб олайлик. *Жорий активлар* дейилганда шу ҳисобот даврида (бир йил мобайнида) ишлатилиши мумкин бўлган активлар тушунилади. Булар бухгалтерия балансининг актив томонида алоҳида иккичи бўлимда кўрсатилади. *Жорий мажбуриятлар* дейилганда фирма ва компанияларнинг бухгалтерия баланси санасидан бошлаб 1 йил давомида

тўланиши лозим бўлган қарздорлик тушинилади. Бу кўрсаткич бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги иккинчи бўлимда кўрсатилади. Бундай қарздорларга тўланадиган манба – жорий активлар бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли улар бир бири билан узвий боғлиқликда.

Шундай қилиб, фаол айланма маблағлар ҳамма жорий қарзлар тўлангандан кейинги қоладиган жорий активлар суммасидан иборат бўлади. Буни «Турон» кўптормоқли хуссий корхона мисолида кўрадиган бўлсак қуйидаги микдорга эга бўламиз:

Жорий активлар	251457,6
Жорий мажбуриятлар	187304,4
Фаол (соф) айланма маблағлар	64153,2.

Кўриниб турибдики, мазкур корхонада соф айланма маблағлар мавжуд экан. Шундай ҳолда таҳлилни давом эттириш ва ликвидликни ифодаловчи коэффициентларни аниқлашга киришиш мумкин.

Фирма ва компаниялар ликвидлигини ифодаловчи навбатдаги кўрсаткич **жорий ликвидлик коэффициенти**дир. Ушбу коэффициентни аниқлаш учун жорий активлар суммасини жорий мажбуриятлар суммасига бўлиш лозим.

$$\text{Жорий ликвидлик коэффициенти} = \left| \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} \right|$$

Мазкур жорий коэффициентнинг микдори 2:1 нисбатда бўлса, одатда, у етарли ҳисобланади. Бу, жорий мажбуриятларнинг ҳар бир сумига жорий активларнинг 2 суми тўғри келишини аниқлатади.

Жорий ликвидлик коэффициентини аниқлаш учун, таъкидланганидек, жорий активларни жорий мажбуриятларга бўлиш лозим. «Турон» кўптормоқли хусусий корхонанинг баланс ҳисоботи бўйича мазкур коэффициентнинг микдори қуйидагича бўлди:

$$\frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{251457,6}{187304,4} = 1,34$$

Ушбу таҳлил натижасидан кўриниб турибдики, корхонанинг ликвидлик коэффициенти ижобий ҳолатда, чунки ҳар бир сум тўланиши лозим бўлган мажбуриятларга 1 сум 34 тийиндан жорий активлар тўғри келмоқда. Аммо бу умумий ўрнатилган меъёрга нисбатан камрок.

Фирма ва компаниялар ликвидлигини ифодаловчи навбатдаги кўрсаткич **тез ликвидлик коэффициенти**дир. Бизнес ҳаётида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, айрим мажбуриятларни тез бажариш, яъни зудлик билан тўлаш лозим бўлади. Аммо жорий мажбуриятлар билан уни амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳолат ликвид активларнинг сустрок пулга айланиши билан боғлиқдир. Масалан, пул маблағи бўлса хоҳлаган вақтингизда тўлашингиз мумкин, аммо у товар-моддий захиралардан иборат бўлса, ёки жорий активлар таркибида олдиндан тўланган активлар ўз ифодасини топган бўлса, ТМЗни олдин сотиш керак кейин тўлаш мумкин, бироқ олдиндан тўлаб

қўйилган харажатларни қайтариб бўлмайди. Шу туфайли, тез ликвидлик коэффициентини аниқлашдан олдин тез ликвид бўладиган маблағларни (активларни) аниқлаб олиш лозимдир. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш лозим бўлади:

$$\text{Тез ликвидли активлар} = \left| \begin{array}{c} \text{Жорий активлар} \\ \text{ТМЗ} \end{array} \right| - \left| \begin{array}{c} \text{Олдиндан тўланган харажатлар ва бошқа ноликвид жорий активлар} \end{array} \right|$$

Демак, тез ликвидли активлар, юқоридаги формулада кўрганмиздек, жорий активлардан ТМЗ, олдиндан тўланган харажатлар ва бошқа ноликвид жорий активларни айтириш йўли билан аниқланади. Бунинг қуйидаги мисолларда ифодалаш мумкин:

Жорий активлар	251457,6
ТМЗ	86785
Олдиндан тўланган харажатлар ва БНЖА	14241,6
Тез ликвидли активлар	150431,0

Энди *тез ликвидлик коэффициентини* аниқлаш мумкин. Тез ликвидлик коэффициенти ликвидликнинг янада чуқурроқ кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки, айланма маблағлар ёки жорий активлар миқдори янада тозаланиб, уларнинг тез ликвид бўладиган қисми ажратилиб олинади. Таъкидланганидек, тез ликвид активлар – бу шундай активларки, улар мавжуд ва шोшилган зарурат туғилганда фойдаланиши ва уларни жуда тез пул маблағларига айлантириш мумкин. Аммо зарурат пайдо бўлиб, олдиндан тўланган харажатлар ва тижорат фаолиятини таъминловчи товар-моддий захиралар ҳали тўлиқ пулга бирданига айланмайди. Чунки, уларни пул маблағларига тез айлантириш мумкин эмас. Шу туфайли тез ликвидлик коэффициентини аниқлаш учун тез ликвидли активларни жорий мажбуриятларга бўлиш кифоя.

$$\text{Тез ликвидлик коэффициенти} = \left| \begin{array}{c} \text{Тез ликвидли активлар} \\ \text{Жорий мажбуриятлар} \end{array} \right|$$

Тахлил қилинаётган корхона бўйича тез ликвидлик коэффициенти, таъкидланганидек, тез ликвидли активларни жорий мажбуриятларга бўлиш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{Тез ликвидли активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{150431,0}{187304,4} = 0,80$$

Ушбу маълумотлар кўрсатмоқдаки, мазкур корхонанинг тез ликвидлик коэффициенти бирдан кам. Тез ликвид бўладиган маблағлар мажбуриятларнинг 1 сумига 0,80 сум тўғри келади. Бу умуман олганда ижобий кўрсаткич. Мазкур корхона ҳар қандай вазиятда ўз мажбуриятларининг 80 фоизини тез ҳал қилиши, яъни тўлаши мумкин. Агарда корхонада тез ликвидлик коэффициенти 1 дан юқори бўлганда бу кўрсаткич жуда яхши бўлган бўлар эди.

Соф тез ликвидлик коэффициенти ҳам ликвидлик кўрсаткичларининг биридир. Уни аниқлаш учун олдин соф тез ликвид бўладиган активларни аниқлаб олишни тақозо қилади.

Соф тез ликвидли активларни аниқлаш учун тез ликвидли активлардан жами жорий мажбуриятларни айириш орқали аниқланади. Яхши кўрсаткичларга эга бўлган компания тез ликвидли активларнинг жорий мажбуриятлардан ортиклигини асослаб бериши лозим. Бу билан компаниянинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериш қобилиятининг мавжудлигини кўрсатади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\text{Соф тез ликвидли активлар} = \left| \begin{array}{l} \text{Тез ликвидли активлар} \\ \text{Жорий мажбуриятлар} \end{array} \right| - \left| \begin{array}{l} \text{Жорий мажбуриятлар} \end{array} \right|$$

Буни таҳлил қилинаётган корхона мисолида кўрадиган бўлсак, соф ликвид активларнинг борлигига гувоҳ бўламиз.

Тез ликвидли активлар	150431,0
Жорий мажбуриятлар	187304,4
Соф тез ликвидли активлар	- 36873,4

Мазкур корхонада соф тез ликвидли активлар минус ишора билан чиққанлиги яхши ҳолат эмас. Чунки уларнинг тез ликвидли активлари мажбуриятларидан кам.

Энди тез ликвидли активлар коэффициентини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

$$\frac{-\text{Соф тез ликвидли активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{-36873,4}{187304,4} = -0,20$$

Ушбу маълумотлар кўрсатадики, корхонанинг соф ликвидли маблағлари мажбуриятларга нисбатан минус 20 %ни ташкил қилади. Бу дегани барча мажбуриятларни бажариш учун корхонанинг 20 % маблағи етишмайди деганидир. Бу кўрсаткич ҳам мазкур корхонада аҳволнинг унчалик яхши эмаслигидан далолат беради.

Корхона раҳбарияти келажакда соф тез ликвидли маблағларнинг доимий равишда мавжуд бўлиб туришига эришиш учун тегишли чора-тадбирларни кўрмоғи лозим. Бунинг учун корхонанинг ликвидлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни жамлаган ҳолда таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир (5-жадвал).

**“Турон» кўптормоқли хусусий корхонасининг 2007 йилда молиявий
коэффициентларидан ликвидлик билан боғлиқ кўрсаткичларининг ҳолати**

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Ликвидлик коэффициенти	X	X	X	X
1.1.	Жорий активлар	207431,5	251457,6	+44026,1	121,2
1.2.	Жорий мажбуриятлар	134368,3	187304,4	+52936,1	139,4
1.3.	Фаол айланма маблағлар (1.1к - 1.2к)	73063,2	64153,2	-8910,0	87,8
1.4.	Жорий ликвидлик коэффициенти (1.1к : 1.2к)	1,544	1,343	-0,201	87,0
1.5.	Товар-моддий захиралар (ТМЗ)	64583,7	86785,0	+22201,3	134,4
1.6.	Келгуси давр харажатлари ва тўловлар учун захиралар	13215,4	14241,6	+1026,2	107,8
1.7.	Тез ликвидли активлар (1.1к - 1.5к - 1.6к)	129632,4	150431,0	+20798,6	116,0
1.8.	Тез ликвидлик коэффициенти (1.7к : 1.2к)	0,965	0,803	-0,162	83,2
1.9.	Соф тез ликвидли активлар (1.7к - 1.2к)	-4735,9	-36873,4	+(-32175,5)	X
1.10.	Соф тезликвидли активлар коэффициенти (1.9к : 1.2к)	-0,035	-0,197	+(-0,162)	x

Маъба: “Турон» кўптормоқли хусусий корхонасининг 2007 йил бўйича молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифларининг ишлашмаси

Ушбу жадвал маълумотлари таҳлил қилинаётган корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида дастлабки хулоса чиқариш учун асос бўлади. Энг аввало, ликвидлик коэффициентлари хусусида. Мазкур корхонада жорий ликвидлик коэффициенти ўтган йилги 1,544 дан ҳисобот йилида 1,343 гача камайганлиги бу борада аҳволнинг бир мунча кийинлашаётганлигидан далолат беради. Албатта, ҳозирча мамлакатимизда кўптормоқли корхоналар учун ликвидлик коэффициентининг меъёрлари ишлаб чиқилмаган ва ўрнатилмаган. Аммо таҳлил давомида шу икки йил натижасининг қиёсланиши ҳам маълум хулосага олиб келиши мумкин.

Мазкур корхонада тез ликвидлик коэффициенти ҳам таҳлил қилинган даврда бир мунча камайган. Агар ўтган йилда унинг миқдори 0,965 ни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 0,803 га тенг бўлган. Энг эътиборли

томони, соф тез ликвидли маблағларнинг йўқлигидир. Бу активларнинг суммаси жорий мажбуриятлардан камлигида намоён бўлмоқда. Шунинг учун соф тезликвидли активлар коэффиценти ҳам мусбат билан чиққан. Бу ҳолатни ҳозирги шароитда ижобий деб бўлмайди. Шу туфайли мазкур корхона раҳбарияти соф ликвидли активларни кўнайтириш устида бош қотиришлари лозимдир.

Мазкур муаммо ҳал қилинмас экан ушбу корхонада маблағларнинг ликвидлигига қиммат ҳам таяниб иш кўриш қийин. Агар соф тез ликвидли маблағлар бўлганда корхона раҳбари бир мунча тинчланиши мумкин эди. Бу ҳолатда улар ўзларининг тегишли чораларини кўришлари лозимдир.

4.3. Фирма ва компанияларда иш фаоллиги коэффицентлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда иш фаоллиги коэффицентларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу кўрсаткичнинг ҳажми корxonанинг бизнес оламида нечоғлик фаол эканлигидан далолат беради. Буларга бир қанча коэффицент ва кўрсаткичлар киради.

- иш фаолиятининг самарадорлик даражаси;
- дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти;
- дебиторлик қарзларини ўндиришнинг ўртача даври;
- товар моддий-захираларининг (ТМЗ) айланиш коэффиценти;
- ТМЗнинг сотулгунча бўлган ўртача давомийлиги;
- айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти.

Иш фаолиятининг самарадорлик даражаси. Корxonанинг иш фаоллиги ва унинг самарадорлик кўрсаткичларидан деярли бошқа барча кўрсаткичлар шаклланади. Агар корхона самарали ишласи, бошқа кўрсаткичларнинг ҳам ижобий бўлиши муқаррар.

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётларда корхона ишчанлик фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамон ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли мазкур ишда умум эътироф этилган айрим кўрсаткичлар билан чегараландик, ҳолос.

Корхона иш фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларидан бири соф тушумнинг активлар ўртача қиймати билан аниқланган миқдори ҳисобланади.

Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\frac{\text{Соф тушум}}{\text{Барча активларнинг ўртача қиймати}} = \frac{765050 \text{сум}}{(631600 + 668050) / 2} = 1,18 \text{ марта}$$

Ушбу кўрсаткични активларнинг айланувчанлиги деб ҳам баҳолаш мумкин. Унинг миқдори 1 сум активларга бир йилда 1,18 сум пу тушганлигини ёки бир йилда 1,18 марта айланганлигини кўрсатади.

Биз юқорида ҳисобланган активлар айланувчанлиги компания иш фаолиятининг самарадорлик даражасининг оддий ўлчовларидан биридир. Шу билан бирга, дебиторлик қарзлари ва ТМЗни бошқаришнинг самарадорлик даражасини ўлчаш учун бошқа коэффициентлар ҳам ишлаб чиқилган. Бунда дебиторлик қарзлари пул маблағларига айлантирилган бўлиши, ТМЗ эса бизнесни молиялашга фойдаланилганга қадар сотилган бўлиши лозим. Ушбу активларни бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш учун бир канча коэффициентлардан фойдаланиш мумкин. Булардан бири дебиторлик қарзларининг айланмиш коэффициентидир. Бу кўрсаткич қарзларни ўндиришнинг ўртача даврини ифодалайди.

Дебиторлик қарзларининг айланмиш коэффициенти йил давомида неча марта дебиторлик қарзлари олинганлигини кўрсатади. У соф тушумнинг дебиторлик қарзларининг ўртача миқдорига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

$$\frac{\text{Соф тушуш}}{\text{Дебитор қарзларининг ўртача миқдори}} = \frac{765050 \text{сум}}{(145000 + 156000)/2} = 5,08 \text{ марта}$$

Мазкур корхонада таҳлил қилинаётган йилнинг бошланишида дебиторлик қарзи 145000 сумни (ўтган йилдаги дебиторлик қарзларининг охириги қолдиғи) ва йил охирида 156000 сумни ташкил қилди. Бу иккала қолдиқнинг оддий ўртаси (150500) ҳисоблашда махраж сифатида фойдаланилмоқда. Бир йилдаги кунлар сонини дебиторлик қарзларининг айланма коэффициентига бўлиб, қарз ўндиришнинг ўртача даврини ҳисоблашимиз мумкин.

*Дебиторлик қарзларни ўндиришнинг ўртача даври*ни қанча қисқартирса шунча яхши. Қарзларимиз тез ўнадиган бўлади. Бозор мўносабатлари шароитида бу муаммони ҳал қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунни аниқлаш учун йилдаги кунлар сонини дебиторлик қарзларининг айланмиш коэффициентига бўлиб оламиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\left. \begin{array}{l} \text{Қарзларни} \\ \text{ўндиришнинг ўртача} \\ \text{даври} \end{array} \right\} = \left. \begin{array}{l} \text{Йил давоми-} \\ \text{даги кунлар} \\ \text{сони (365)} \end{array} \right\} : \left. \begin{array}{l} \text{Дебиторлик қарз-} \\ \text{ларининг айланмиш} \\ \text{коэффициенти} \end{array} \right\}$$

Бунинг амалий маълумотларни қўйлаган ҳолда ҳисоблаб чиққаннимизда қуйидаги натижага эришдик.

$$\frac{365 \text{кун}}{5,08 \text{ марта}} = 71,9 \text{кун}$$

Булардан кўришиб турибдики, ҳисобот йилида “Турон” кўптормоқли корхонаси дебиторлик қарзларни ўртача 5,08 марта ўндириб олган ёки мазкур

корхона ўз қарзини ундириши учун, ўрта ҳисобда, 72 кун керак бўлган. Бундан кўриниб турибдики, маҳсулотни сотиш санасидан кейин дебиторлик қарзларини ундириб олиш учун ўртача 72 кун керак бўлар экан.

Товар моддий-заҳираларининг (ТМЗ) айланиш коэффициенти. Корхонада ТМЗ миқдори қанча бўлиши керак? Бу нарса жуда кўп омиллар бирикмасига боғлиқ, шу жумладан, корхонанинг фаолият кўрсатаётган соҳаси ва йил мавсуми ҳам ушбу миқдорнинг ўзгаришига таъсир қилади. Масалан, автомобил сотиш билан шуғулланувчи ва заҳирасида талайгина миқдорда автомобилли бор дилер мавсум пайтида ТМЗ бўйича кучли позицияда бўлади, яъни бу тадбиркор ўзининг ТМЗ жуда кўп бўлишини хоҳлайди. Талаб сусайган пайтда худди ўшанча миқдордаги ТМЗнинг заҳирада бўлиши эса, дилернинг молиявий ҳолати сустигидан дарак беради. Бунга бошқа мисолларни ҳам келтиришимиз мумкин.

ТМЗ қолдигининг етарлилигини ўлчашни биллиш учун ТМЗ айланувчанлигини аниқлаш кифоя. Бунинг учун уни йил давомидаги сотилган маҳсулот ҳажми билан ҳисоблаб олиш мумкин. Чикқан натижанинг турли давр кўрсаткичлари билан солиштирилиши биз таҳлил қилаётган масалага анча ойдинлик киритади. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\text{ТМЗнинг айланувчанлик коэффициенти} = \left| \begin{array}{l} \text{Сотилган товарларнинг} \\ \text{ҳажми} \end{array} \right| : \left| \begin{array}{l} \text{ТМЗнинг ўртача} \\ \text{йиллик қиймати} \end{array} \right|$$

Таҳлил қилинаётган кўптормоқли корхонада бир йилда 535000 сумлик маҳсулот сотилган. ТМЗнинг айланиш тезлигини аниқлаш учун бу сумма ТМЗнинг ўртача йиллик миқдорига, яъни 182500 сумга (ҳисобот йилининг бошида ТМЗ қолдиги 185000 сумга тенг бўлган, шюс ҳисобот йилининг охирида 180000 сумга тенг бўлган, иккаласининг суммаси 2 га бўлинганда 182500 сум аниқланган) бўлинади.

$$\frac{\text{сотилган товарлар миқдори}}{\text{ТМЗнинг ўртача миқдори}} = \frac{535000 \text{ сум}}{182500} = 2,9$$

Шундай қилиб, ТМЗнинг айланиш коэффициенти 2,9 га тенг. Бунинг мазмуни шунки, йил давомида ТМЗ тахминан 3 марта сотилган ва сотиб олинган. Агар ишлаб чиқариш корхонаси бўлса, шу аниқланган рақамга нисбатан бир йилди уч марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарган.

ТМЗни таҳлил қилишда қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардан бири **ТМЗнинг сотулгунча бўлган ўртача давомийлигидир.** Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобот давридаги кунлар сонини ТМЗнинг айланувчанлик коэффициентига бўлиш кифоя. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$\text{ТМЗнинг сотулгунча бўлган ўртача давомийлиги} = \left| \begin{array}{l} \text{Ҳисобот} \\ \text{давридаги} \\ \text{кунлар сон} \end{array} \right| : \left| \begin{array}{l} \text{ТМЗнинг} \\ \text{айланувчанлик} \\ \text{коэффициенти} \end{array} \right|$$

Бунинг миқдори таҳлил қилинаётган корхонада қуйидаги миқдорга тенг бўлган.

$$\frac{365\text{кун}}{2,9\text{марта}} = 125,9\text{кун}$$

Демак, “Турон» кўптормокли хусусий корхонасида сотувгача ТМЗ ўртача 125,9 кун сақланган. Бунинг мазмуни шуки, ТМЗ га қўйилган пул маблағлари яна пул маблағи бўлиб келгунча ўртача 125,9 кун керак бўлган.

Таҳлил жараёнида аниқланган эдики, харидорларнинг қарзини тўлаш ўртача даври 72 кун кун эди. ТМЗни сотиб олиш, сотиш ва пул маблағларига айлантириш ўртасидаги даврларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу давр янада узунрок бўлади, яъни ўртача 197,9 кунни (125,9+72) ташкил қилади.

Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициентини ҳам корхоналар самарадорлигини ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткич компания учун (сотиш орқали) молия келишининг бошланғич манбаи бўлган миқдорлар ва компанияни бошқаришда фойдаланиладиган иктисодий ресурслардан айланма активлар ўртасидаги муносабатни характерлайди. Айланма активлар айланувчанлиги соф тушум ҳажминин айланма активларининг умумий ўртача қийматига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

$$\text{Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти} = \frac{\text{Ҳисобот давридаги соф тушум ҳажми}}{\text{Айланма активларининг умумий ўртача қиймати}}$$

Ушбу формулага таҳлил қилинаётган корхона бўйича амалий маълумотларни қўллаб ечадиган бўлсак, қуйидаги кўрсаткичларга эга бўламиз:

$$\frac{\text{соф.тушум}}{\text{Жами айланма активлар}} = \frac{765050}{380000 + 405800/2} = 1,95\text{марта}$$

Шундай қилиб, ҳисобот йилида мазкур таҳлил қилинаётган корхонада айланма активларининг ҳар бир сумига 1,95 сум сотилган маҳсулот ҳажми тўғри келган. Ёки мазкур корхонанинг айланма маблағлари бир йилда 1,15 марта айланган. Айланма активлар айланувчанлиги коэффициентини қалчалик катта бўлса, миқдорлардан келаётган суммалар шунчалик кўп бўлади. Шу туфайли корхона раҳбари айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициентини кўпайтириш чораларини кўришлари лозим бўлади.

**“Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг 2007 йил бўйича
молиявий коэффицентлардан ишчанлик фаоллигини ифодаловчи
кўрсаткичларнинг ҳолати**

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Соф тушум	2252895,6	2424361,0	+171465,4	107,6
2.	Барча, активларнинг ўртача қиймати	389837,2	445873,2	+56036,0	114,4
3.	Активлар самарадорлиги коэффиенти (1к : 2.к)	5,779	5,437	- 0,342	94,1
4.	Дебиторлик қарзларининг ўртача қиймати	56298,7	64391,1	+8092,4	114,4
5.	Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиенти (1к : 4к)	40,02	37,65	-2,37	94,1
6.	Қарзларни ундиришнинг ўртача даври (365 : 5к)	9,1	9,7	+0,6	106,6
7.	ТМЗнинг ўртача қиймати	61965,0	75684,4	+13719,4	122,1
8.	ТМЗнинг айланувчанлик коэффиенти (1к : 7к)	36,4	32,0	-4,4	87,9
9.	ТМЗнинг сотулгунча бўлган ўртача даврийлиги (365 : 7к)	10,0	11,4	+1,4	114,0
10.	Айланма активларнинг ўртача қиймати	205636,3	229444,6	+23808,3	111,6
11.	Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиенти (1к : 9к)	11,0	10,6	- 0,4	96,4

Маиба: “Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг 2007 йил бўйича молиявий
ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифларнинг ишланмаса

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи коэффициентлар ҳам унинг молиявий аҳволини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу коэффициентларнинг ҳам миқдорлари аниқланиб тегишли қиёсий таҳлил ўтказилди. Таҳлиллар кўрсатдики, мазкур корхонада активлар самарадорлиги ҳам ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 0,342 коэффициентга камайган. Боз устига дебиторлик коэффициенти ҳам бир мунча сустлашган. Унинг миқдори шу йилда 2,37 коэффициентга камайган. Қарзларни ундиришнинг ўртача даври ўтган йилдаги 9,1 кун ўрнига 9,7 кунга ошган. Бу ҳам умуман олганда, самарадорликнинг пасаяётганлигидан далолат беради. ТМЗнинг айланувчанлик коэффициенти ҳам 4,4 мартага камайган бир пайтда, уларнинг сотувда бўлган ўртача давомийлиги 1,4 кунга ошган. Бу кўрсаткичлар ҳам корхонанинг иш фаоллигида сусайиш, самарадолигида пасайиш рўй берганлигидан далолат беради.

4.4. Молиявий барқарорлик коэффициентлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.

Фирма ва компанияларда молиявий барқарорликни таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки хўжалик юритувчи субъектлар молиявий жиҳатдан барқарор ривожланмас экан, унинг банкротликка учраш эҳтимоли жуда яқин бўлади. Эркин рақобат шароитида ҳар бир корхона етарли даражада молиявий ва иктисодий салоҳиятга эга бўлишлари лозимдир.

Фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлигини ифодалаш учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

- фирма ва компанияларнинг тўлов қобилияти;
- корхона ўз маблағларининг қарамлик коэффициенти, яъни қарздорликнинг хусусий капиталга нисбати;
- активларнинг қарамлик коэффициенти, яъни мажбуриятлар суммасининг активларга нисбати;
- фоизни қоплаш коэффициенти.

Фирма ва компанияларнинг тўлов қобилияти. Бу коэффициентлар гуруҳи компания эгалари ва кредиторлар ўртасидаги таваккалчиликнинг қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Маълумки, активлар ёки қарз ҳисобига ёки корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун бу коэффициентлар кредиторлар ва корхонага узок муддатли қўйилмалар қўйган инвесторларнинг ҳимояланганлигини тавсифлайди. Одатда, хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти барча қарзларни (Қарзлар) маблағларига солиштириш йўли билан аниқланади:

Корxonанинг тўлов қобилияти коэффициенти	=	Корxonанинг тўланиши мумкин бўлган маблағлари ҳажми	:	Корxonанинг барча қарзлари қиймати
--	---	---	---	------------------------------------

Ушбу коэффициентнинг миқдори 1 дан катта бўлмоғи лозим. Агар шунга эришса корхона тўловга кодир бўлиши мумкин.

Бу ерда корxonанинг барча қарзларига нафақат жорий мажбуриятлар, балки узок муддатли қарзлар ҳам киради. Корxonанинг тўланиши мумкин бўлган маблағларига барча жорий активларни ва узок муддатли активларни ҳам киритишимиз мумкин бўлади.

Қарздорликнинг хусусий капиталга нисбати. Бу нисбат қарзлар олиш ва янги акциялар чиқариш йўли билан аралаш молиялашни ўлчайди. Қарздорликнинг хусусий капиталга нисбати 1:1 бўлса, олинган қарзларнинг ҳар 1 сумига янги чиқарилган акцияларнинг 1 суми тўғри келишини кўрсатади. Биз таҳлил қилаётган “Турон» кўптормоқли хусусий корxonада ушбу кўрсаткичнинг миқдори қуйидагича:

$$\frac{\text{Мажбуриятлар суммаси}}{\text{Хусусий капитал}} = \frac{322000}{346050} = 0,93 : 1$$

Бу ҳолда, “Турон» кўптормоқли хусусий корxonанинг хусусий капиталининг ҳар 1 суми 0,93 сумлик мажбуриятга эга. Модомики, бу муносабат 1:1 га яқин экан, биз корхона юқори левереджга эга дейишимиз мумкин. Бу таҳлил натижасидан кўриниб турибдики, мазкур корхона учун яна қарз олиш бироз мураккаб бўлади.

Мажбуриятлар суммасининг активларга нисбати. Бу нисбат кредиторлар томонидан берилган активлар суммасини, ҳамда левередж даражасини (ҳажмини) аниқлаш учун ишлатилади. Бу “Турон» кўптормоқли хусусий корxonасида қуйидаги натижага эга бўлинди:

$$\frac{\text{Мажбуриятлар суммаси}}{\text{Активлар суммаси}} = \frac{322000}{668050} = 0,482 = 48,2\%$$

Шундай қилиб, капиталнинг 48,2 % активлари қарзлар ҳисобига молиялаштирилади. Бу ҳол кўрсатадики, “Турон» кўптормоқли хусусий корxonанинг левереджи яхши.

Фоизни қоплаш коэффициенти. Қарз муносабатлари ва капиталнинг якуний коэффициенти корxonанинг фоизлар бўйича ўз тўловларини амалга ошириш қобилиятини ўлчайди. Бу коэффициент фирма ва компанияларнинг соф фойдадан олинган ресурсларидан фойдаланиб, неча марта фоизларни тўлай олишни кўрсатади. Шубҳасиз, бу сон қанча катта бўлса, шунча яхши. Фоизларни қоплаш коэффициенти фоиз ва солиқлар тўлагунга қадар бўлган соф фойдани (соф фойда+фоиз кўринишидаги харажатлар+солиқлар) фоиз кўринишидаги харажатларга бўлиш йўли билан ҳисобланади.

“Турон» кўптормокли хусусий корхонанинг фоизи ва солиқлар тўлангунга қадар бўлган соф фойда суммаси 105446 ни (47750+16250+41446) ташкил қилди. Бу ҳолда мазкур корхонанинг фоизни қоплаш коэффициентини қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Фоиз ва солиқлар тўлангунга қадар бўлган соф фойда}}{\text{Фоиз кўринишидаги харажатлар}} = \frac{105446}{16250} = 6,49 \text{ марта}$$

Шундай қилиб, корхона фоизларни 6,49 марта тўлаши мумкин экан. Бу кўрсаткич умуман олганда ижобий бўлиб ҳисобланади. Янада тўғрироқ хулоса чиқариш учун ушбу кўрсаткичнинг миқдорини ўтган йилги кўрсаткичларга ва бошқа корхоналар кўрсаткичларига таққослаш мумкин.

Барча кўрсаткичлар ҳақида умумий хулоса чиқариш учун уларни амалий маълумотларни қўллаб ҳисоб-китоб олиб боришни, улар асосида комплекс кўрсаткичнинг миқдорини аниқлашни ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (8-жадвал).

8- жадвал

“Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг 2007 йил бўйича молиявий коэффициентларидан молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларининг ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Тўланиши мумкин бўлган жами маблағлар (жорий активлар) ўртача қиймати	200421,5	229445,6	+29023,1	
2.	Барча қарзларнинг ўртача қиймати	143408,3	160836,4	+17428,1	
3.	Корхонанинг тўлов қобилияти коэффициенти (3.1к : 3.2к)	1,398	1,427	+0,029	
4.	Ўз маблағлари (хусусий капитал)	263171,1	306902,6	+43731,5	
5.	Қарздорларнинг хусусий капиталга нисбати коэффициенти (1.2к : 3.4к)	0,51	0,61	+0,10	
6.	Активлар суммаси	397539,4	497207,0	+96667,6	
7.	Мажбуриятларнинг активларга нисбати коэффициенти (1.2к : 3.6к)	0,338	0,379	+0,041	
8.	Фоиз ва солиқ тўлангунга қадарги соф фойда	44851,2	49351,1	+4499,9	
9.	Фоиз кўринишидаги харажатлар	13122,3	14183,3	+1061,0	
10.	Фоизни қоплаш коэффициенти (3.8к : 3.9к)	3,42	3,48	+0,06	

Манба: “Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг 2006 йил бўйича молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифларнинг ишланмаси

Бундай ҳолатларнинг натижаси корxonанинг молиявий барқарорлигида намоён бўлади. Буларнинг киёсий таҳлили кўрсатишича, корxonанинг тўлов қобилияти ўтган йилдаги 1,398 коэффициент ўрнига 1,427 коэффициентгача ошган. Бунга, албатта бир қанча омиллар таъсир қилган бўлиши мумкин. Корxonанинг қарздорлиги унинг ўз маблағларига нисбатан ҳам кўплигида намоён бўлмоқда. Қарздорларнинг хусусий капиталга нисбатини ифодаловчи коэффициент ўтган йилда 0,51 бўлган бўлса, ҳисобот йилида 0,61 гача ошган. Бу ўтган йилга нисбатан 0,10 коэффициентга юқори дегани. Бу кўрсатадики корxonанинг қарздорлиги ўз маблағларига нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда. Албатта бозор муносабатлари такомиллашган сари қарзлар ўз маблағлари ҳисобидан эмас, балки четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қопланишлари мумкин. Бунга ҳам бир қанча омиллар таъсир қилган бўлиши мумкин, чунки қарздорнинг хусусий капиталга нисбатан коэффициенти ошганлиги бир қарашда аниқ хулоса чиқариш учун асоҳ бўла олмайди.

Корxонада молиявий ҳолатнинг яхшиланаётганлигидан яна бир далил ундаги фоизни қоплаш коэффициентининг ошаётганлигидир. Бу кўрсаткич ўтган йилда 3,42 коэффициенти ташкил қилган бўлса, жорий йилга келиб унинг миқдори 3,48 коэффициентгача ошди.

4.5. Фирма ва компанияларнинг рентабеллик коэффициентлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.

Бу коэффициент гуруҳи компания йилдан-йилга ўз фаолиятини фойдалилик нуқтаи назаридан қандай ташкил қилганлигини кўрсатади. Мазкур гуруҳга қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

- рентабеллик коэффициенти (маржина рентабеллик);
- активлар рентабеллиги;
- ўз маблағларининг даромадлилик коэффициенти;

Соф маржа ёки *рентабеллик коэффициент* корxonанинг йил давомидаги фаолиятининг қай даражада мувоффақиятли эканлигини кўрсатади. Корxонада йиллик соф маржинал фойдаси 47750 сумни ташкил қилган. Соф реализация 765050 сумни ташкил қилган. Шундай қилиб, корxона даромади 47750 сум 765050 сумлик сотилган маҳсулотга тенг келган ёки бунинг нисбий миқдори 6,2 %ни ташкил қилади.

$$\frac{\text{Соф.маржинал.foyda}}{\text{Соф.реализация}} = \frac{47750}{765050} = 6,2\%$$

Бу жорий йилда ҳар 1 сум сотилган товарларга компания натижада 0,062 сум фойда олганлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичнинг ўзгариши компаниянинг рентабеллик коэффициентининг йилдан-йилга ёки бошқа компания кўрсаткичига нисбатан қандай аҳволда эканлигини кўрсатади. Буларга кўрсаткичлар миқдорини солиштириш йўли билан эришилади.

Ўтган йили мазкур корхонанинг соф маржинал фойдаси ёки даромади 40500 сумни ташкил қилган бир пайтда сотилган маҳсулот ҳажми 725000 сумни ташкил қилган. Ўтган йилдаги рентабеллик коэффиценти 5,6 %ни ташкил қилган. Буни жорий йил билан солиштирадиган бўлсак, жорий йилда ўтган йилга нисбатан бир мунча (0,6 = 6,2 – 5,6) ўсганлигини кўрамиз.

$$\frac{\text{Соф.маржинал.foyda}}{\text{Соф.реализация}} = \frac{40500}{725000} = 5,6\%$$

Активлар рентабеллиги ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткич ҳар бир сум активлар бир йилда қанча фойда бераётганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич ўрганилаётган активлар ҳажми ва соф фойда ўртасидаги муносабатнинг қай аҳволда эканлигидан далолат беради. Активларнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисоблаш йўлларида бири соф фойдани активларнинг умумий ҳажмига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

$$\frac{\text{Соф.foyda}}{\text{Барча.активлар}} = \frac{49351,1}{497207,0} = 0,099$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори шундан далолат берадики, мазкур корхонада ҳар 1 сум активга 0,071 сум соф фойда ишлаб топилган.

Ўз маблағларининг рентабеллик коэффиценти корхонада пул маблағларининг қандай ишлаётганлигини ифодалайди. Бу акциялар қийматини баҳолашда инвесторлар фойдаланадиган ва анча кенг тарқалган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич қиммабаҳо қоғозлар бозорида харидорлар ва сотувчиларга тўғри йўлни танлашга, қайси корхона акциясини сотиб олишга қарор қабул қилиш йўллари кўрсатади. Кўп ҳолларда инвесторлар ўзларининг бозор баҳоларида инвестиция қилиш ёки маълум бир муддат кутиб туриш борасидаги шахсий қарорларини қабул қилишга ҳаракат қиладилар. Бунда айнан шу кўрсаткичнинг миқдори муҳим рол ўйнайди. Кўпчилик инвесторлар аниқ компаниялар капитали даромадлиги коэффицентини таҳлил қиладилар. Капиталнинг (ўз маблағларининг) рентабеллик коэффиценти соф фойдани ўз маблағлари суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{\text{Соф.foyda}}{\text{Ўз.капитали}} = \frac{49351,1}{306902,6} = 0,161$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори корхонанинг 1 сум ўз маблағлари тўғри келадиган фойдаси 0,161 сумни ташкил қилади. Бу ҳар бир сум ўз маблағларининг шу миқдорда фойда келтираётганлигидан далолат беради.

Бир акция рентабеллик коэффиценти ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. Бунда молиявий бозорнинг ривожланиши билан ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти янада ошиб бораверади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори битта акцияга тўғри келувчи соф фойда миқдорини

ифодалайди. Бу коэффициент компаниянинг дивиденд тўлаш ва ривожланиш қобилиятини аниқлашда қўлланилади. Битта акцияга тўғри келадиган фойда ёки акция рентабеллиги соф фойдани (имтиёзли акцияга тўланадиган дивидендларни айириб, агар улар мавжуд бўлса) муомаладаги акцияларнинг ўртача сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\frac{\text{Соф.фойда}}{\text{Муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача сотилган сони}} = \frac{49351,1}{11643} = 4,23 \text{ акция}$$

Юқорида келтирилган битта акцияга тўғри келадиган фойданинг ҳисоб-китоби оддий таркибли капиталга эга бўлган компаниялар томонидан ишлатилади.

Таҳлил қилинаётган йилнинг бошида корхона 14700 дона муомаладаги акцияга эга бўлган. Жорий йилнинг 1 июлида компания 500 акцияни сотган. Бу қўшимча акциялар муомалада олти ой бўлди. Муомаладаги акцияларнинг ўртача сонини ҳисоблаш учун, йил давомида акцияларнинг ҳар бир чиқарилишини акциялар муомалада бўлган даврга кўлайтириб ва сўнгра олишган маълумотларни қўшиш керак.

Йил бошида = 11235 акция

Йил давомида сотилган акция = 816 акция

Йил охирида = 12051 акция

Ўртача сони $((11235+12051) / 2) = 11643$ муомаладаги акция

Акцияга тўғри келадиган фойдани ҳисоблаганда, юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибдики, ҳар бир акцияга 4,23 сум соф фойда тўғри келган. Бу кўрсаткич мазкур корхона акциясининг жозибадорлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, молиявий коэффициентлар таҳлили маълум бир давр учун компания фаолияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ва уни бошқа шунга ўхшаш компаниялар, ҳамда мазкур тармоқнинг оддий шундай ҳажмдаги компаниялари билан солиштириш учун амалга оширилади. Бу таҳлил натижаси таҳлилчига бошлангич хулоса қилиш учун асос бўлади. Лекин корхонанинг бутун бир фаолияти тўғрисида батафсил хулоса чиқариш учун унинг фаолиятини тўлиқ ўрганишга тўғри келади. Компаниянинг иқтисодий таҳлилининг фақат бир йиллик маълумотлардан фойдаланиб ва бошқа шу каби компаниялар билан солиштириб ўтказиш ҳам етарлик эмас. Албатта маълум даражада аниқроқ хулоса чиқариш учун таҳлилни бир неча йилларга, камида уч йил давомидаги ҳисоботлар ва бир қанча корхоналар билан солиштирган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Корхонанинг молиявий коэффициентлари орқали унинг молиявий-хўжалик фаолиятига баҳо беришни ва атрофлича таҳлил қилиш усулларини битта корхона, яъни "Турон" кўптармоқли хусусий корхонаси (ОТАЖ)

мисолида кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (8- жадвал).

8- жадвал

“Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасининг 2007 йил бўйича молиявий коэффициентларидан рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Соф фойда	44851,2	49351,1	+4499,9	110,0
2.	Маҳсулот рентабеллиги коэффициенти (4.1к : 2.1к)	1,990	2,036	+0,046	102,3
3.	Активлар рентабеллиги коэффициенти (4.1к : 2.2к)	11,51	11,07	-0,44	96,2
4.	ЎЗ маблағларининг ўртача йиллик қиймати	270873,8	285036,9	+14163,1	105,2
5.	ЎЗ маблағлари рентабеллиги коэффициенти (4.1к : 4.4к)	16,56	17,31	+0,75	104,5
6.	Муомаладаги оддий акцияларнинг йил бошидаги ва охиридаги сони	11235	12051	+816	107,3
7.	Акциянинг рентабеллик коэффициенти (4.1к : 4.6к)	3,99	4,10	+0,11	102,8

Манба: “Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасининг 2007 йил бўйича молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифларнинг ишлашмаси

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилганда унинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳам айрим асосийларини ўрганишни тақозо қилади. Булардан бири маҳсулот рентабеллигидир. Мазкур кўрсаткич ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 0,046 % бандга ошган. Бу ижобий ҳолат. Худди шундай ҳолатни ўз маблағлари рентабеллигида ҳам,

акциялар рентабеллигида ҳам кўриш мумкин. Аммо активлар рентабеллиги ҳисобот йилида 0,44 % бандга ёки 3,8 %га (100-96,2) камайган. Бунинг сабаби шу жорий йилда технологик жараёни янгилаш мақсадида катта пулга янги технологик ускуна сотиб олган. Аммо уларнинг самараси шу йилнинг ўзидаёқ яққол намоён бўлган эмас. Шу туфайли активларнинг бир мунча самарадорлигининг пасайиши рўй берган. Буни табиий ҳол деб қараш лозимдир.

Хулоса килиб айтганда молиявий коэффициентларнинг қиёсий таҳлили корхонанинг молиявий ҳолати бўйича дастлабки хулоса чиқариш ва тезкор қарорлар қабул қилиш учун асос бўлар экан.

5 - Боб. Фирма ва компанияларда молиявий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари

5.1. Фирма ва компанияларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари

Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш, унинг балансини иқтисодий жиҳатдан ўқиш билан бошланади. Баланс умумий суммаси корхонанинг муайян бўлим ва моддаларда тақсимланган барча маблағларни акс эттиради. Баланс алоҳида моддалари ва бўлимлари суммаларининг умумий якунига нисбати уларнинг баланс суммасидаги улушини ташкил қилади. Моддаларнинг муайян санадаги улушлари баланснинг таркибий тузилмаси дейилади. Ушбу маълумотлар асосида корхонанинг умумий молиявий ҳолатига баҳо бериш мумкин.

Бозор муносабатлари шартларида олинadиган кредитлар учун фоизлар юқори бўлганлиги сабабли, баланс пассивидаги манбаларда ўз маблағлари устунлик қилиши керак. Балансни таҳлил қилишда унинг тузилмаси аниқланади, хўжалик фаолияти натижасида маблағлар таркиби ва улар манбаларида рўй берган ўзгаришлар ўрганилади, маблағлар қанчалик туғри жойлаштирилганлиги изоҳланади ва корхона молиявий ҳолати олдиндан баҳоланади.

Хусусан, баланс тузилмаси таҳлил қилинаётганда оборотдан ташқари (узок муддатли) ва оборот активлари, ўз ва жалб килинган маблағлар манбалари ўртасидаги нисбат аниқланади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўзгарганлиги, узок муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлардан фойдаланиш самарадорлиги кўриб чиқилади, бу ўзгаришларга баҳо берилади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (7 -жадвал).

«Турон» кўптормокли хусусий корхонаси мисолида бухгалтерия баланси тузилмасидан келиб чиқиб, юқорида таъкидланганидек, хўжалик маблағлари йил мобайнида 2390 минг сумга ошди ҳамда 29537 минг сумни ташкил этди. Ҳисобот даврида маблағлар манбалари (баланс пассиви) ва уларни жойлаштиришда (баланс активи) ўзгаришлар рўй берди. Маблағлар манбаларида ўз маблағлари устунлик қилмоқда. Улар хўжалик маблағлари умумий суммасининг 73,5 фоизини ташкил этади ва йил мобайнида 0,3 фоизга ошганлигини кўрсатади. Мажбуриятлар, яъни қарз ва кредитлар кўринишида олинган маблағлар улуши 26,5 фоиз бўлиб, йил мобайнида 0,3 фоизга камайди. Ўз маблағлари манбалари устунлик қилган тузилма макбул бўлиб, у корхонанинг молиявий барқарорлигини кўрсатади.

Бундан кейин жалб килинган маблағлар тузилмаси ва айниқса кредиторлик қарздорлигига эътибор қаратиш лозим. Ҳисобот даври охирида бутун қарздорлик қисқа муддатли ҳисобланади. Унинг асосий қисмини

бюджетга қарздорлик ташкил этади - барча хўжалик маблағлари 9,1 фоиз, маҳсулот етказиб берувчиларга қарздорлик - 8,5 фоиз, буюртмачилар ва харидорлардан олинган бўнақлар - 5,8 фоиз бўлди. Шу тариқа, товарлар, хом ашё ва материаллар учун қарздорлик 14,3 фоиз (5,8 + 8,5) бўлиб, у йил мобайнида 1,4 фоизга ошди (14,3- 12,9).

«Турон» кўптормоқли хусусий корхонаси бўйича маблағлар манбалари (баланс активи) йил бошида узок муддатли активларда - 43,9 фоиз, оборот активларида - 56,1 фоиз тарзида жойлаштирилган. Ҳисобот даври учун оборот активларида бўлган маблағлар улуши 4,1 фоизга (56,1 - 52,0) ошган.

Баланс тузилмасини таҳлил қилишда оборот активлари тузилмаси махсус кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларда дебиторлик қарздорлиги хўжалик маблағларида энг юқори улушга эга бўлади. У 12,3 фоиз бўлиб, йил мобайнида 4,0 фоизга (12,3 - 8,3) кўпайди. Пул маблағлари солиштирма оғирлиги пасайгани ҳолда товар-моддий захиралари улуши ҳам 0,3 фоизга ошди. Баланс активида оборот маблағлари улуши ошган бўлса-да, бу қийин сотиладиган активлар ҳисобига амалга ошди. Бу эса корхона ликвидлилигига (тўловга қобиллигига) салбий таъсир кўрсатади.

«Турон» кўптормоқли хусусий корхонасида ўз ва қарз маблағларининг кўпайиши асосан тайёр маҳсулот қолдиқлари (2478 минг сум) ва дебиторлик қарздорлигини (1382 минг сум) қоплашга сарфланди.

Корхона молявий ҳолатини баҳолашда маблағлар суммаси ва улар турлари бўйича манбалари мулкӣ ҳолати таҳлил қилиниши шарт. Уларга қуйидагилар киради:

• **Сармоянинг умумий ҳажми (Сар.)** - корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари суммаси. У бухгалтерия баланси - нетто якунига тенгдир:

$$\text{Сар.} = 1\text{-ш.}, 400 \text{ ёки } 780\text{-сатр}$$

• **Ўз маблағлари (сармояси) (ЎМ)** - корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари, улар баланс пасиви 1-бўлими якуни бўйича аниқланади:

$$\text{ЎМ} = 1 \text{ ш. П. } 480 \text{ сатр.}$$

• **Оборотдаги ўз маблағлар (ОЎМ)** - оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми. Улар ўз сармоясига (ЎМ) узок муддатли мажбуриятларни (УММ) қўшиш ҳамда асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар (актив 1-бўлими) суммасини (1А) айириш орқали аниқланади:

$$\text{ОЎМ} = \text{ЎМ} + \text{ЎММ} - 1\text{А.} = (480 + 490) - 130$$

Бу кўрсаткични мобил (жорий) активлар (ЖА) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) орасидаги фарқ сифатида ҳам аниқлаш мумкин:

$$\text{ОЎМ} = \text{ЖА} - \text{ЖМ} = 2\text{А} - (2\text{П} - \text{ЎМ}).$$

• **Ҳаракатдаги маблағлар (сармоя) (ҲС)** - оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари ҳажми. Ўз оборот маблағлари, шунингдек муддати ўзайтирилган дебиторлик қарздорликда ҳам бўлади, у оборотда узок вақт иштирок этмай, у иммобиллашган (яъни бошқа нарсага жалб этилган)

бўлади. Шунинг учун ХСни аниқлаш учун ОЎМдан 2а-«Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақида ахборот» шаклида ақс этган муддати ўтган дебиторлик қарздорлигини (МЎДҚ) чегириб ташлаш керак:

$$\text{ХС} = \text{ОЎМ} - \text{МЎДҚ}$$

• **Жалб қилинган маблағлар (сармоя) (ЖС)** - узок муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир, у корхонанинг ҳозирги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П):

$$\text{ЖС} = \text{УМ} + \text{ЖМ} = 2\text{П}.$$

• **Жорий активлар (ЖА)** («Мобил активлар», «Оборот маблағлари» деб ҳам аталади) – товар-моддий захира, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни ақс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими жамига тенгдир: $\text{ЖА} = 2\text{А}.$

Уларни асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлардан фарқли равишда қарздорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тез қайтариб олиш мумкин бўлганлиги сабабли мобил актив дейилади.

• **Жорий ёки қисқа муддатли мажбуриятлар (ЖМ)** - йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик. Унга қисқа муддатли қарзлар, кредитлар, олинган бўнақлар киритилади. Бу суммани аниқлаш учун баланс пассиви 2-бўлими якунидан (2П) узок муддатли мажбуриятларни (УМ) чегириб ташлаш керак. Унинг формуласи:

$$\text{ЖМ} = 2\text{П} - \text{УМ}.$$

• **Узок муддатли активлар (УМА)** (уларни «Иммобиллашган активлар» деб номлаш қабул қилинган) - асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндиси бўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади. Унинг формуласи қуйидагичадир:

$$\text{УМА} = 1\text{А}.$$

• **Узок муддатли мажбуриятлар (УМ)** - бу узок вақт фойдаланишга мўлжаллаб олинган кредит ва қарзлар. Улар баланс пассиви 2-бўлимида кўрсатилади (490-сатр):

$$\text{УМ} = 1\text{-ш.}, 490 \text{ сатр}$$

• **Товар-моддий захиралар (ТМЗ)** – товар-моддий захираларида бўлган оборот маблағлари. Тез ликвидли активлардан фарқли равишда улар кўпроқ муомалада бўлади ва жорий мажбуриятларни қоплаш учун дарҳол қайтариб олинмайди:

$$\text{ТМЗ} = \text{ИЧЗ} + \text{ТИЧ} + \text{ТМ} + \text{Т} + \text{КДХ} = 150 + 160 + 170 + 180 + 190.$$

• **Тез ликвидли активлар (ТЛА)** - яқин вақт ичида қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга йўналтириладиган маблағлардир. Уларга пул маблағлари ва дебиторлик қарздорлиги ва муддати ўтган қарздорлик айирмаси киритилади:

$$\text{ТЛА} = \text{Пул маб.} + (\text{ДҚ} - \text{МУҚ}).$$

Корхона мулкӣ ҳолати кўрсаткичлари асосида унинг сифат ўзгаришлари, хўжалик маблағлари тузилмаси ҳамда улар манбалари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Баланс активи асосида «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг мулкӣ ҳолатини таҳлил қилишда мазкур изоҳловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинган. Таҳлил давомида уларнинг йил мобайнидаги ва қатор йиллар ичидаги ўзгаришлари аниқланган. Мулкӣ ҳолат ҳақида тегишли хулосага келиш учун мазкур жадвалда бир йиллик маълумотлар келтирилди (9-жадвал).

9 - Жадвал

«Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг мол-мулки ҳолатини ҳисобот даврида баҳолаш

(минг сум)

Кўрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Фарқи	
	сумма	Солмо ғи	сумма	сол.ог.	сумма	сол.ог.
Ўз сармоясн (Ўс)	19882	73,2	21703	73,5	+1821	+0,3
Жалб қил. сармоя (Жс)	7365	26,8	7834	26,5	+569	-0,3
Жорий (мобил) активлар (Жа)	14120	52,0	16566	56,1	+2446	+4,1
Жорий мажбуриятлар (Жм)	7170	26,4	7834	26,5	+664	0,1
Узоқ муддатли мажбуриятлар (Ум)	95	0,3	-	-	-95	-0,3
Узоқ муддатли активлар (Ума)	13027	48,0	12971	43,9	-56	-4,1
Асосий воситалар (Ав)	9065	33,4	9739	33,0	+674	-0,4
Оборотдаги ўз маблағлари (Оўм)	6950	25,6	8732	29,6	+1782	+4,0
Ҳаракатдаги сармоя (Ҳс)	5100	18,8	6452	21,8	+1352	+3,0
Тез ликвидли активлар (Тла)	750	2,8	1553	5,3	+803	+2,5
Ишлаб чиқариш захира-лари ва ҳаражатлари (Изх)	11520	42,4	12631	42,8	+1111	+0,4
Мул маблағлари (Пул.маб.)	351	1,3	304	1,0	-47	-0,3
Дебиторлик қарздорлиги (Дк)	2249	8,3	3631	12,3	+1382	+4,0
Шу жумладан муддати утган (Мудк)	1850	6,8	2382	8,1	+532	+1,3
Кредиторлик қарздорлиги (Кк)	5929	21,8	6014	20,4	+85	-1,4
Шу жумладан муддати утган (Мукк)	2650	9,8	2534	8,6	-116	1,2
Хўжалик маблағлари умумий суммаси (Сар)	27147	100	29537	100	+2390	-

Манба: «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллифларнинг ишланмаси.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, хўжалик маблағларининг асосий суммасини ўз маблағлари ташкил қилади. Ҳисобот даврининг бошида унинг ҳиссаси 73,2 %ни ташкил қилган бўлса, шу йилнинг охирига келиб 73,5 % га ошган. Шунингдек, жорий активлар (оборот маблағлари) таҳлил қилинаётган даврда 52,0 %дан 56,1 %гача кўпайган. Ҳисобот йили охиридаги ўз оборот маблағлари 8732 минг сум ёки барча хўжалик маблағларининг 29,6 %ни ташкил этди. Бироқ, ҳаракатдаги сармоя, яъни ҳақиқатдан ҳам оборотда қатнашадиган ўз оборот маблағлари муддати утган дебиторлик қарздорлик мавжудлиги сабабли 6452 минг сумга тенг ёки 21,8 %ни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларида бўлган маблағлари катта улушига эга, уларнинг ҳиссаси 42,8 %ни ташкил қилади. Тез ликвидли активлар эса хўжалик активларининг атиги 5,3 %га тенгдир. Бу ҳолат мазкур корхонада ахвол бирмунча яхши бўлсада, тез ликвид бўладиган маблағларнинг нисбатан камлиги унинг хўжалик фаолиятини манёвр қилиши учун бир мунча қийинчилик туғдиради.

Умуман олганда «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг мулкый ҳолатини қониқарли деб топиш мумкин. Хўжалик маблағларида ўз маблағлар манбалари 73,5 %га тенглиги унинг маблағлари манбаларида ўз маблағларининг устунлик қилаётганлигини кўрсатади. Жорий активлар жорий мажбуриятларни қарийб икки баробар қоплайди. Бу маблағларни яхши айлантириш имконини беради. Жорий активларда ўз оборот маблағлари энг катта улушга эга. Бироқ, уларнинг катта қисми қийин сотиладиган активларга жалб қилинган (ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари -12631 минг сум ёки барча хўжалик маблағларининг 42,8 % ва дебиторлик қарздорлиги - 3631 минг сум ёки 12,3 %).

Буларнинг барчаси ҳамда муддати узайтирилган дебиторлик қарзларининг катта миқдорда мавжудлиги хўжалик маблағлари тузилмасининг ёмонлашганлигидан ва уларнинг «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

5.2. Корхона ликвидлиги, тўлов қобилияти, кредитни тўлашга лаёқатлилиги: мазмуни, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда асосий ва дастлабки кўрсаткич унинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва кредитни тўлашга қодирлиги каби кўрсаткичлардир. Ликвидлилик корхонанинг ўз жорий (айланма) активлари ҳисобидан қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини қоплай олиш қобилиятини кўрсатади. Бу кўрсаткични корхона раҳбари бухгалтерия баланси билан танишиб чиқиб, пасивнинг 2-бўлими суммаларини активнинг 2-бўлими суммалари билан таққослаш орқали аниқлаши мумкин. Агар айланма активлар суммаси мажбуриятлар суммасидан

ортиқ бўлса, корхона, асосан, ўз кредиторлари билан ҳисоб-китоб қилиш имконига, яъни қобилиятига эга бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, корхона бухгалтерия баланси ҳақиқатдан ҳам ликвидли эканлигини, яъни тўловга қобилиятли деб баҳоланиши учун унинг жорий активлари мажбуриятлардан анча (икки баравардан ортиқроқ) кўп бўлиши керак.

Корхонанинг жорий мажбуриятларини қоплаш учун маблағларнинг ликвидлигига, яъни уларнинг нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ бўлган турли активларни инобатга олиш лозим. Корхона активлари ликвидлик даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Ликвидлиги энг кучли активлар. Улар жумласига барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий маблағлар, яъни қимматли қоғозлар қиради (1-шакл. Бухгалтерия баланси. Активнинг 2-бўлими, 040, 330-360 сатрлар).

Тез сотиладиган активлар. Улар муддати ўтказиб юборилган қисмдан ташқари дебиторлик қарзларини ва бошқа активларни ўз ичига олади (1-шакл. Активнинг 2-бўлими, 210- сатр минус 211 сатр ёки 2а-шакл 4-графасининг жами).

Секин сотиладиган активлар. Бунга баланс активи 2-бўлимининг «Товар-моддий захиралари», «Келгуси давр харажатлари», шунингдек, баланс активи 1-бўлимидан «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» деган моддалар қиради (1-шакл. Активнинг 2-бўлими, 140 дан 200 гача бўлган сатрлар, активнинг 1-бўлими, 050 дан 100 гача бўлган сатрлар).

Қийин сотиладиган активлар. Булар асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган сармоя маблағлар, ускуна ва қурилмалар, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларидир (1-шакл, активнинг 1-бўлими, 110, 120, шлюс 2а-шакл 4-графасининг жами).

Раҳбарнинг корхона молиясини бошқариш санъати ҳисоб-китобда минимал миқдорда маблағ сақлаб, уларнинг аксарият қисмини тез сотиладиган (ликвид бўладиган) активларда сақлашдан иборатдир. Ҳисоб-китоб ҳисобидаги сумма қанча катта бўлса, тўловлар ва мажбуриятлар юзасидан мавжуд маблағлар билан ҳисоб-китоб қилиш имконияти шунча кўп бўлади. Бироқ, пул маблағлари захирада ва харажатда, яъни айланишда бўлса, уларни нақд пулга айлантириш анча мураккаб бўлади. Лекин қуруқ пулни ҳам ушлаб ўтирилмайди. Улар қанча оборотда кўп бўлса корхонага шунча кўп фойда келтиради. Аммо товар-моддий захиралар тез сотиладиган харидоргир бўлишини таъминлаш лозимдир.

«Турон» кўптормоқли хусусий корхонасининг кредиторлари кредит беришдан олдин қай даражада хатарга йўл қўяётганларини аниқлайдилар. Бунинг учун корхонанинг кредитни қайтариш қобилиятини таҳлил қиладилар, яъни тегишли кўрсаткичлар ёрдамида унинг ликвидлигини ва тўлов

кобилиятини билиб оладилар. Шу туфайли ҳамкорларга ҳамиша корхонанинг молиявий ҳисоботларини талаб қилинган пайтда, тақдим қилиб турилади.

«Турон» кўптурмоқли хусусий корхонаси балансинг муайян моддалари ўртасидаги нисбатни ақс эттирадиган корхона ликвидлигини ифодаловчи коэффициентлар ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларидан иборат бутун бошли кўрсаткичлар тизимини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Булар жумласига қуйидагилар қиради:

Қоплаш коэффициенти (Кк). Бу коэффициент корхонанинг ликвидлигига баҳо беради, жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишини (бошқача айтганда, айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг қанча сўми жорий мажбуриятларнинг бир сумига тўғри келишини) кўрсатади ва жорий активлар суммасини (ЖА) (баланс активи 2-бўлимнинг жами) жорий мажбуриятларга (ЖМ) қуйидаги формула бўйича тақсимлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

$$Кк = \frac{ЖА}{ЖМ} \quad \text{ёки} \quad \frac{\text{Ш.1. Сатр 390}}{\text{Ш.1. Сатр 770}}$$

Одатда, бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий баҳоланади. Амалий тажриба нуқтаи назаридан, бу кўрсаткич 2,0 ва ундан кўпроқни ташкил этса меъёрида деб ҳисобланади. Лекин унинг кўп ўсиши ҳам маъқул эмасдир. Чунки бу ҳол ишлаб чиқариш захираларига солинган маблағлар айланиши секинлашганлигидан ва дебиторлик қарзлари асоссиз ўсиб кетганлигидан дарак беради.

Тез ликвидлилик коэффициенти (Тл. коэф.) пул маблағлари (ПМ), ҳисоб-китоблар ва бошқа активларнинг жорий мажбуриятларидаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$Тл.коэф. = \frac{ПМ + ДҚ + МЎДҚ}{ЖМ} \quad \text{ёки}$$

Ш.1. (320 + 210) сатрлар – 211 сатр ёки Ш.2а. 4 графа жами

Ш.1. Сатр 770

Бунда: ДҚ - дебиторлик қарзлари;

МЎДҚ - муддати ўтган дебиторлик қарзлари.

Корхонанинг тез ликвидлилик коэффициенти қанча юқори бўлса унинг жорий мажбуриятларни тез сотиладиган активлар ҳисобидан қоплана олишини белгилайди. Тез ликвидлилик коэффициентининг юқорилиги молиявий хатар камлигидан ва четдан қўшимча молиявий маблағлар жалб этиш учун яхши имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Агар ушбу кўрсаткич 1,0 га тенг ва ундан ортик бўлса, тез ликвидли активлар жорий мажбуриятлар суммасига тенглигини ёки ундан ортиклигини кўрсатади. Бу ҳолат нормал ҳисобланади. Кредит бериш чоғида банклар ва бошқа кредит муассасаларини асосан ана шу кўрсаткич қизиқтиради.

Абсолют ликвидлилик коэффициенти (Абс.Лик.К.) жорий мажбуриятлардаги пул маблағларининг улушини кўрсатади ва у пул маблағларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади. Пул маблағлари - кассада, ҳисоб-китоб счётида, валюта ҳисоб счётида ва бошқаларда мавжуд бўлган пулдир. У қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Абс. Лик. К.} = \frac{\text{ПМ}}{\text{ЖМ}} \text{ ёки } \frac{\text{Ш.1. Сатрлар 330+340+350+360}}{\text{Ш.1. Сатр 600}}$$

Абсолют ликвидлилик коэффициенти асосида муайян пайтда мажбуриятларни қоплаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу коэффициент, энг аввало, корхонага товар ва хизматларни етказиб берувчиларни қизиқтиради. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, корхонанинг энг зарур мажбуриятлари бўйича (солиқлар, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш) ҳисоб-китоб қилиш имкониятлари шунча кўп бўлади. Мазкур коэффициент 0,2 ва ундан юқори бўлганида нормал ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган коэффициентлар асосий ҳисобланади ва шуларга таянган ҳолда корхонанинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва кредитни тўлашга қодирлиги ҳақида ишончли хулоса чиқариш мумкин бўлади. Бирок, корхонанинг бу борадаги ҳақиқий аҳволини янада пухта ўрганиш учун яна бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш тавсия этилади.

Ишлатиладиган сармоянинг ўзгарувчанлиги ёки ўзгарувчанлик коэффициенти (ЎК): товар-моддий захираларнинг муддати кечиктирилган дебиторлик қарзларини чегириб ташлагандан кейин қолган ўз айланма маблағларига нисбати сифатида белгиланади ва у қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{ЎК} = \frac{\text{ТМЗ}}{\text{ЎМАйм}} \text{ ёки } \frac{\text{Ш.1. Сатр 120 + ... + 150}}{\text{Ш.1. Сатр 480+490 - 211 (ёки Ш.2а,4гр)}}$$

Бунда: ТМЗ – товар-моддий захиралар;

ЎМАйм - ўз маблағлари ва узок муддатли пасивларнинг айланма маблағлардаги суммаси.

Ушбу кўрсаткич корхонанинг эркин ҳаракатлантириш имконини бермайдиган шаклдаги ўз сармоясининг улушини аниқлатади. Чунки жорий қарзлардан қутилиш учун товар-моддий захираларни муомалага киритиш, муддати ўтган дебиторлик қарзларини қайтариш керак бўлади. Ишлатиладиган

сармоя ҳаракатчанлигининг юқори коэффиценти банкротлик хавфи борлигидан далолат беради.

Бу коэффицент 0,5 дан ортиқ бўлмаслиги, яъни товар-моддий захиралар суммасининг ўз айланма маблағлари жами суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги нормал ҳисобланади.

Умумий сармоянинг ўзгарувчанлиги (СЎ) жорий активларнинг (ЖА), яъни айланма маблағларнинг хўжалик маблағлари умумий суммасига (Сармоя) нисбати сифатида аниқланади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$СЎ = ЖА / Сармоя$$

У ҳаракатчанроқ имобилизацияланган (ҳаракатсиз) активлардан фарқли равишда тез пул маблағларига айлантириш мумкин бўлган хўжалик маблағлари умумий суммасидаги улушини кўрсатади. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхонанинг ликвидлилик даражаси шунча юқори бўлади. Ушбу кўрсаткич 0,6 дан юқори бўлганида, яъни айланма маблағлар хўжалик маблағлари умумий суммасида 60 фоиздан кўпроқни ташкил этганида нормал ҳисобланади.

Корхонанинг ликвидлигини баҳолаш учун бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилинаётган йил боши ва охиридаги бу коэффицентларни ҳисоблаб чиқариш, йил давомида уларнинг ўзгаришини белгилаш ҳамда таркиб топган меъёрлар билан таққослаш зарур (10-жадвал).

10 - Жадвал

«Турон» кўптормокли ҳусусий корхонасининг 2005 йилдаги баланси ликвидлигини баҳолаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили		Меъёр бўйича	Йил бошига нисбатан фарқи	Меъёрга нисбатан фарқи
	Йил бошида	Йил охирида			
Қопланиш коэффиценти	1,90	2,10	>2,00	+0,20	+0,10
Тез ликвидлилик коэффиценти	0,10	0,20	>1,00	+0,10	-0,80
Абсолют ликвидлилик коэффиценти	0,50	0,40	>0,20	-0,01	-0,16
Амал қилувчи сармоянинг ўзгариши	2,30	2,00	кўпи билан 0,50	-0,3	+1,5
Умумий сармоянинг ўзгариши	0,52	0,56	>0,60	+0,04	-0,04

Манба: «Турон» кўптормокли ҳусусий корхонасининг 2005 йилдаги баланси маълумотлари

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қоплаш коэффициентлари, яъни айланма маблағларнинг жорий мажбуриятлар суммасига нисбатан ҳисобот даврида 1,90 дан 2,10 га қадар ўзганлигини кўрсатади. Бу эса меъёр даражасидадир. Айланма активлар жорий активлардан 2 баравардан ортиқдир. Корхона оддий шароитларда ишлаганида айланма маблағлар билан жорий қарзларнинг бундай нисбати меъёр даражасида деб ҳисобланади. Бироқ, корхонанинг катта маблағлари иммобилизация қилинганлиги, яъни товар-моддий захираларида, шунингдек, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларида турганлиги муносабати билан корхонанинг йил охиридаги баланси ноликвид деб ҳисобланади. Тез ва абсолют ликвидлилик коэффициентлари шундан дарак берадики, бу коэффициентлар ҳисобот даврида яхшиланмаган ва у белгиланган меъёрлардан анча паст бўлиб қолаверган. Ишлатилаётган ва умумий сармоянинг ўзгарувчанлик коэффициентлари ҳам ҳисобот даврида ёмонлашган ва меъёрдан паст даражада бўлган. Шундай қилиб, мазкур корхона ҳисобот даврида қисқа муддатли қарзларини ўз маблағлари билан тўлашга қодир эмаслигидан далолат беради. Бу ҳолат «Турон» кўптармоқли хусусий корхонасининг 2005 йилдаги балансининг ликвидли эмаслигидан далолатдир.

Тўлов қобилияти хўжалик юритувчи субъектда белгиланган муддатларда тўлашни талаб қилувчи кредиторлик қарзлари юзасидан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли миқдорда пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари борлигини англатади.

Тўлов қобилиятининг асосий белгилари қуйидагилардир:

- кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун етарли даражада пул маблағларининг мавжудлиги;

- муддати ўтган кредиторлик қарзларининг йўқлиги.

Шуни эътироф этиш керакки, ликвидлилик кўрсаткичи билан тўлов қобилияти бир-биридан фарқ қилади. Ликвидлилик қарзларни тўлаш учун маблағлар мавжудлигини кўрсатса, тўлов қобилияти - қарзни узиш имконияти борлигини кўрсатади.

Балансининг тўловга қобилиятлилигини таҳлил қилган вақтда ликвидлилик даражасига қараб гуруҳларга бирлаштирилган актив маблағлар у тўлов муддатлари бўйича гуруҳларга ажратилган пассив мажбуриятлари билан таққосланади. Шундан кейин корхонанинг тўлов қобилияти даражасини кўрсатадиган коэффициентлар ҳисоблаб чиқилади.

Корхоналарда қарзни узиш даражаси жиҳатидан мажбуриятлар: энг шошилиш мажбуриятлари, қисқа муддатли пассивлар, узок муддатли пассивлар ва доимий пассивларга бўлинади.

Энг шошилиш мажбуриятлари (ЭШМ) кредиторлик қарзлари (Ш.1.2-бўлим, сатрлар: 720 дан 760 гача) шунингдек, муддатида тўланмаган қарзлардир.

Қисқа муддатли пассивлар (ҚМП) - қисқа муддатли кредитлар ва қарзга олинган маблағлар (Ш.1. 2П-бўлим, сатрлар 610-700).

Узоқ муддатли пассивлар (УМП) - узоқ муддатли кредитлар ва қарзга олинган маблағлар (Ш.1. 2П-бўлим, сатр 490).

Доимий пассивлар - баланс пассиви «Ўз маблағлари манбалари» деган биринчи бўлимнинг жами (Ш.1.2П - бўлим 480 сатр).

Корхонанинг тўлов қобилияти энг шошилишч мажбуриятларни тўлаш қобилияти, қисқа муддатли пассивлар ва узоқ муддатли пассивлар коэффициентлари ёрдамида баҳоланади.

Энг шошилишч мажбуриятларнинг тўлов коэффициенти (Кэ.ш.м.т.) энг ликвид активларнинг (Эл.а) энг шошилишч мажбуриятлар (ШМ) суммасига нисбати сифатида аниқланади ва қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Кэ.ш.м.т} = \text{Эл.а} / \text{ШМ}$$

Қисқа муддатли пассивларнинг тўлов коэффициенти (КҚМП) тез сотиладиган активларнинг (ТСА) қисқа муддатли пассивлар (ҚМП) суммасига нисбати сифатида аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{КҚМП} = \text{ТСА} / \text{ҚМП}$$

Узоқ муддатли пассивларнинг тўлов коэффициенти (КУМП) секин сотиладиган активлар (ССА)нинг узоқ муддатли пассивлар (УМП) суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{КУМП} = \text{ССА} / \text{УМП}$$

Корхона балансининг тўловга қобилиятличилигини таҳлил қилганда юқорида кўрсатилган гуруҳлар бўйича маблағлар ва қарзларни аниқлаш, узиладиган қарзлар даражасини ҳисоблаш ва улар юзасидан хулосалар чиқариш керак бўлади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (II-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини, яъни унинг қисқа муддатли мажбуриятлари яқин орада қайтарилмаслигини кўрсатади. Энг ликвидли маблағлар ва тез сотиладиган активларни энг шошилишч мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивлар билан таққослаб, корхонанинг яқин вақт ичидаги жорий тўловга қобилиятини аниқлаймиз. «Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасида ҳаммадан тез сотиладиган активлар энг шошилишч мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун етарли эмас.

Умуман олганда, «Турон» кўптурмоқли хусусий корхонасида йил охиридаги бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича ликвид ташкилот, лекин тўловга қобилиятли эмас. Корхона раҳбарлари дарҳол унинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришлари керак. Ликвидлилик ва тўлов қобилияти даражаси яқшиланиши кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ва иктисодий бақувватлигига ҳам боғлиқ бўлади.

**«Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг 2006 йилдаги
баланси ликвидлигини баҳолаш**

(минг сум миқдориди)

Пул маблағла- рига аниқлаш даражаси кўрсаткичлар	Йил бо- ши- да	Йил охи- ри- да	Қарзин ўзишнинг шошилич- лик даражаси	Йил бо- ши- да	Йил охи- ри- да	Ортиқча тўлаш ёки камайиш даражаси			
						Йил бошида		Йил охирида	
						сум- ма	дара- жа	сум- ма	дара- жа
Энг ликвид активлар	351	304	Энг шоши- линч мажбу- риятлар	5929	6140	-5578	5,9	-5710	5,1
Тез сотиладиган активлар	399	1249	Қисқа муддатли пассивлар	1241	1820	-842	32,2	-474	72,5
Секин сотиладиган активлар	1155 9	12688	Узоқ муддатли пассивлар	95	-	11464	-	12688	-
Қийин сотила- диган активлар	1483 8	15296	Доимий пассивлар	1988 2	2170 8	-5044	74,7	-6407	70,5

Манба: «Турон» кўптормокли хусусий корхонасининг 2006 йилдаги баланси маълумотлари

ХУЛОСА

Корхоналар молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш «Турон» кўптармокли хусусий корхонасининг (ОТАЖ) молиявий ҳисоботлари мисолида амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва олимларнинг назарий қарашлари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Корхонанинг молиявий ҳисоботини ўқиш ва уни таҳлил қилиш усуллари олимларимиз тамонидан етарли даражада ўрганилган. Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг шакли ва мазмуни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган миллий стандартларга мос ҳолда тўлғазилмоқда ва тегишли ташкилотларга топширилмоқда. Бунинг ҳаракати учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ҳаётга мос равишда йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда.

2. Умуман олганда «Турон» кўптармокли хусусий корхонасининг молиявий ҳисоботи мамлакатимизда амалда бўлган ҳисоботнинг намунавий мазмунига тўлиқ мос келади ва барча шакллари одатдагидек тўлғазилади. Шу жиҳатдан қараганда мазкур объекта молиявий ҳисобот ҳеч қандай ўзига хос хусусиятларга эга эмас. Аммо, унинг мазмуни тармоқнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга.

3. «Турон» кўптармокли хусусий корхонасининг молиявий ҳисоботида кўзга ташланган хусусиятлар қуйидагилардир:

- одатда саноат корхоналарининг баланси таркибида асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларнинг улуши юқори бўлади. Мазкур корхонада айланма маблағларнинг улуши катта;

- мазкур корхонанинг маҳсулоти бозорғир бўлишига қарамадан тайёр маҳсулот захираси умумий активларнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил қилади. Захираларнинг тўпланиб қолишига корхонада маркетинг хизматининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг шартнома асосида ташкил қилинмаганлиги, ушбу корхонанинг бозор муносабатларига ҳамон тўлиқ мослашмаганлиги каби омилларни сабаб қилиб келтириш мумкин;

- тараққий этган мамлакатларда корхонанинг ўз маблағлари барча маблағларнинг учдан бир қисмини ташкил қилади. Аммо мазкур корхонада маблағларнинг асосий манбаси ўз маблағларидан таркиб топганлигини кўрамиз, бу эса мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатлари юқори даражада шаклланмаганлигидан далолат беради;

- одатда мазкур корхонада дебитор қарзлар жуда кўп бўлади. Аммо биз мазкур корхонанинг рақамларини маълум фойизга қисқартириб олганлигимиз туфайли (бу корхона раҳбариятининг илтимосига биноан амалга оширилди) ушбу кўрсаткичнинг улуши бироз камайрилиб кўрсатилмоқда ва ҳ.к.

4. Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш бўйича назарияда ишлаб чиқилган жуда кўп илмий тавсиялар амалиётда қўлланилмаётганлигига ва натижада корхонанинг самарадорлигини оширадиган жуда кўп захиралар (имкониятлар) амалиётда яширилиб аниқланмасдан қолиб кетаётганлигига гувоҳ бўлдик.

5. Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди ва қуйидаги кўрсаткичларни қўллаш тавсия қилинди:

- сармоянинг умумий ҳажми;
- ўз маблағларининг умумий ҳажми;
- оборотдаги ўз маблағлари;
- ҳаракатдаги маблағлар ҳажми;
- четдан жалб қилинган маблағлар ҳажми;
- жорий активлар ҳажми;
- жорий ёки қисқа муддатли мажбуриятлар;
- узоқ муддатли активлар ҳажми;
- узоқ муддатли мажбуриятлар ҳажми;
- ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари ҳажми;
- тез ликвидли активлар.

6. Молиявий таҳлил назариясида корxonанинг ликвидлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича ҳам жуда яхши тавсиялар ишлаб чиқилганлигига қарамасдан мазкур корхона амалиётда ушбу кўрсаткичлар кам ишлатилади ва таҳлил қилинади. Натижада корxonанинг ликвидлиги, молиявий барқарорлиги, кредитни тўлаш қобилияти, рентабеллик кўрсаткичлари каби кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятлар очилмасдан қолиб кетмоқда.

7. Корxonанинг ликвидлигини таҳлил қилиш учун таҳлил назариясида ишлаб чиқилган, амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган учта кўрсаткичлардан фойдаланишни “Турон” корxonасида ҳам қўллашни тавсия қиламиз:

- қоплаш коэффициенти;
- тез ликвидлик коэффициенти;
- соф ликвидлик коэффициенти.

8. Корxonанинг иш фаолигини ифодаловчи коэффициентлар ҳам унинг молиявий аҳволини баҳолашда муҳим аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, активлар самарадорлиги коэффициенти, дебиторлик коэффициенти, қарзларни ундиришнинг ўртача даври, ТМЗнинг айланувчанлик коэффициенти кабилардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

9. Корxonанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига корxonанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи коэффициент, корхона қарздорлигининг ўз маблағларига нисбатан коэффициент, фойзни қоплаш коэффициенти кабиларни киритишни тавсия қиламиз.

10. Корxonанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилганда унинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳам айрим асосийларини ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб топдик ва улар таркибига қуйидагиларни киритишни тавсия қилмоқдамиз. Булар жумласига: маҳсулот рентабеллиги, ўз маблағлари рентабеллиги, акциялар рентабеллиги, активлар рентабеллиги кабиларни киритиш мумкин.

Биз ишлаб чиққан ва тавсия қилган кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш усуллари агар амалиётга қўлланилса, ўйлаймизки корxonаларнинг, хусусан «Турон» кўптармоқли хусусий корxonасининг ҳам (ОТАЖ) фаолияти янада яхшиланади, самарадорлиги ошади, молиявий барқарорлиги таъминланади, тўлов қобилияти яхшиланади. Энг муҳими корхона раҳбарлари ва мулкдорлар ўз корxonасининг аҳволи ҳақида тегишли ахборотларга эга бўлади. Бу эса уларнинг тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўзбекистон Республикаси мудклилик тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1990.
3. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
5. Ўзбекистон Республикаси Гаров тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
7. Ўзбекистон Республикаси банкротлик тўғрисидаги қонуни. (Янги таҳрирда) - Т.: Ўзбекистон, 2004.
8. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монополиястик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 380 бет.
11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. 3-том. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 366 бет.
12. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида 4 - том. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 349 бет.
13. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби 5 - том. Т.: Ўзбекистон, 1997. - 384 бет.
14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. 6 - том. Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 бет.
15. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 412 бет.
16. Каримов И.А. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт - пироворд мақсадимиз Т. 8 - том. Т.: Ўзбекистон., 2000. -528 бет.
17. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулимиз 9-том. Т.: Ўзбекистон, 2001.- 432 бет.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. 10-том. Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 бет.
19. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- том. Т.: Ўзбекистон, 2003. -318 бет.

20. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч кудратимизга, ҳамжихатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12- том. Т.: Ўзбекистон, 2004. - 400 бет.
21. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13- том. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 448 бет.
22. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14- том. Т.: Ўзбекистон, 2006. - 280 бет.
23. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун Концептуал асос. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 475 рақам билан рўйхатга олинган.
24. БҲМС № 1 Ҳисоб сийёсати ва молиявий ҳисобот. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474 рақам билан рўйхатга олинган.
25. БҲМС № 15 “Бухгалтерия баланси”. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 30 мартда 1226 рақам билан рўйхатга олинган.
26. Молиявий ҳисоб шакллари тўлдириш тартиби. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 июлда 1117-2 рақам билан рўйхатга олинган.
27. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тўғрисида Низом. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 июлда 942 рақам билан рўйхатга олинган. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 22 июлда 942-1 рақам билан рўйхатга олинган.
28. Абдукаримов И.Т. Пардаев М.К. Бухгалтерия баланси ва унинг таркиби. // Бозор, пул ва кредит. 1999. № 3.
29. Абдукаримов И.Т. Менежер бухгалтерия балансини қандай таҳлил қилиши керак. // Бозор, пул ва кредит. 1999. № 4.
30. Абдукаримов И.Т. Менежерга корхона ликвидлиги ва тўлов қобилияти ҳақида. // Бозор, пул ва кредит. 1999. № 5.
31. Абдукаримов И.Т. Менежерга корхона молиявий барқарорлиги ва иктисодий бақувватлиги ҳақида. // Бозор, пул ва кредит. 1999. № 6.
32. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояние предприятий. Т.: 2000.
33. Абдуллаев Ё.А. ва бошқалар. Иктисодий таҳлил. Т.: Мехнат. 2001.
34. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Т.: Молия, 2003.
35. Анализ хозяйственной деятельности в промышленности - Минск. Высшэйшая школа, 1995.
36. Ахмеджанов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Т.: ТМИ, 2004.
37. Баканов М.И, Шеремет А.Д, Теория экономического анализа - М., «Финанси и статистика», 1994, 1988, 2002, 2004.
38. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности. Теория, практика и интерпретация, - М.: Финансы и статистика, 1996. - 624 с.
39. Вахабов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Т.: Шарк, 2002.

40. Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1998.
41. Дюсембаев К. Анализ финансового положения предприятия. Алматы, «Экопомика». 1998.
42. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Т.: Консаудитинформ – 2005.
43. Ефимова О.В. Финансовый анализ. - М.: «Бухгалтерский учет», 1998.
44. Ковалев В.В. Финансовый анализ: управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности. - М., «Финансы и статистика», 1996.
45. Максуютов А.А. Экономический анализ. М.: "Единство", 2005.
46. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр. уйи. 2001.
47. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Т.: Мехнат, 2004.
48. Патров В.В., Ковалев В.В. Как читать баланс. 2-е изд. - М., «Финансы и статистика», 1994.
49. Русак Н.А., Русак В.А. Основы финансового анализа. - Минск, ООО «Меркаванне», 1995.
50. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн: ИП «Экоперспектива», 1997.
51. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн: ООО «Новое знание», 2000.
52. Финансовый анализ деятельности фирмы. «Крокус-Интернэшнл» - М.: 1993 - 240 бет.
53. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 1-2 қисм. Самарқанд, САМИСИ, 2004.
54. Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр. уйи. 1999.
55. Ҳасанов Н., Югай Л. Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки. Т.: Мир экономики и право. 2001.
56. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. - Т.: «Ўқитувчи», 2001.
57. Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. - М.: ИНФРА - М, 2001.
58. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: ИНФРА - М, 2002.

